БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 79
30 МАЙ
ЯКШАНБА
1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Бутун дун'ёда тинчликнинг мустаҳкам шонли Ватанимиз—Совет Социалистик Иттифоқи яшасин ва яшнасин!

Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Советига Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Министрлар Советига

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг ишчиларига, колхозчиларига, интеллигенциясига, барча меҳнаткашларига қизғин салом йўллайдилар ва уларни социалистик Ватанимиз халқлари дўстона оиласининг катта байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги блан қутлайдилар.

Кўп асрлардан буён давом этиб келаётган бузулмас дўстлик алоқалари икки улуғ славян халқини — рус ва украин халқларини бир-бирлари блан боғлаб келмоқда. Қардош халқларнинг ана шу бузилмас, порлоқ дўстлиги неча асрларнинг қаттиқ синовларидан ўтди. Бу халқлар чиқиб келишининг бирлиги, тилининг яқинлиги, кўп замонлардан буён давом этиб келаётган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар асосида, умумий душманларга қарши биргаликда олиб борилган озодлик курашида бу дўстликни кучайтирдилар ва мустаҳкамладилар. Икки қардош халқнинг мустаҳкам бирлик ва абадий иттифоқ бўлиш йўлидаги доимий интилиши Переяслав Радаси томонидан э'лон қилинган машҳур тарихий акт блан тугалланди.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши руслар ва украинларнинг асл манфаатлари ва орзуларига муносиб бўлди, бу қайта қўшилиш ана шу қардош халқлар учун жуда буюк прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Украин халқи четэл асоратига тушиш хавфидан қутқазиб қолинди ва миллий тараққиётга эришиш имкониятига эга бўлди. Рус халқи украин халқидек содиқ дўстига эга бўлди. Ана шу қайта қўшилиш натижасида Россия давлатининг кучи, қудрати ва халқаро миқ'ёсдаги обрўси бениҳоя ўсди. Россия давлати ташқи душманларга қарши курашда қардош халқлар учун марказ ва таянч бўлиб қолди.

Рус халқи чор самодержавиесига, помешчикларга ва буржуазияга қарши курашда озодлик ва тараққиёт йўлида улуғ революцион идеяларининг ифодачиси сифатида машҳур бўлди. Инсониятнинг энг улуғ генийси Владимир Ильич Ленин асосини қурган Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида Россия пролетариати Россия меҳнаткашларини жипслаштирди ва уларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига олиб келди. Россия ишчилар синфининг энг катта ва жанговор отрядларидан бири Украин пролетариати ана шу қаҳрамонона курашда актив қатнашди. Социалистик революциянинг ғалабаси мамлакатимизнинг халқларини социал ва миллий зулмдан абадий озод қилди, коммунистик жамият қурилишида халқларнинг бузилмас дўстлигига, уларнинг мустаҳкам ҳамкорлигига ва ўзаро ёрдамлашишларига асос солди.

Ленинча-сталинча миллий сиёсат идеяларига содиқ бўлган рус халқи СССРдаги барча халқларнинг давлатини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, экономика ва маданиятни ривожлантиришда уларга бениҳоя катта ёрдам кўрсатди. Украин халқи барча украин ерларини ягона Украина совет давлатига қайта қўшиш йўлида кўп асрлардан буён орзу қилган тилагини улуғ рус халқи блан иттифоқликда, қудратли Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласида амалга оширди. Украина илғор совет республикаларидан бирига — кўмир ва металл, қудратли машинасозлик индустриясига эга бўлган, Совет Иттифоқининг энг йирик ғаллакор республикасига, Европадаги энг йирик давлатларнинг бирига айланди.

Социализм ғалабаси натижасида мамлакатимиз халқларининг дўстлиги қудратли енгилмас кучга айланди. Бу дўстлик Улуғ Ватан урушининг ўти ичида янада кўпроқ чиниқди ва мустаҳкамланди. Рус халқи қаҳрамонона зафарларининг шуҳрати ҳечқачон сўнмайди. Рус халқининг социалистик Ватанни ҳимоя қилишдаги мислсиз мардлиги ва сабот-матонати, фронтларда тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонлиги ва мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнати уни-ҳамманинг энг исте'додли халқ деб танишига сазовор қилди.

Рус халқининг экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ғоят буюк муваффақиятлари барча совет халқларини чин қалбдан бениҳоя фахрлантиради. Москва ва Ленинград, Урал ва Волгабўйи, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ўсиб бораётган индустриал қуввати, Россия Федерациясининг ўсиб мустаҳкамланиб бораётган социалистик қишлоқ хўжалиги ҳозирги шонли кунларда коммунизм сари бораётган социалистик давлатимизнинг куч-қудратини ёрқин ифода этади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевараги маҳкам жипслашган рус халқининг, украин халқининг, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг буюк муваффақиятлари бутун дун'ёдаги меҳнаткашларнинг капиталистик қулликдан халос бўлиш йўлидаги курашида уларни илҳомлантиради, тинчлик, демократия ва социализм лагери кучларининг ғалаба қозонишига бўлган ишончини оширади.

Рус ва украин халқларининг ҳамда СССРдаги барча халқларнинг умумий душманларга қарши курашда тўкилган қон блан мустаҳкамланган ва ижодий меҳнат ҳамда ўзаро ёрдам блан метиндек чиниққон бузулмас дўстлиги мамлакатимизнинг энг улуғ ғалабасидир, коммунизм қуриш учун курашда ҳаётбахш қудратли кучдир.

СССР Олий Советининг Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ишонч билдириб айтадиларки, рус халқи ва Россия Федерациясидаги барча халқлар бундан кейин ҳам шонли Ватанимизнинг қудратини ҳормай-толмай мустаҳкамлайдилар, ўзларининг бутун куч, ғайрат ва ташаббусларини оғир индустрияни янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини, халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни зўр бериб юксалтиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз оширишга сафарбар қиладилар.

Яшасин Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси!

Рус, украин халқларининг ва мамлакатимиздаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги абадий яшасин!

Бутун дун'ёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи бўлган шонли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи яшасин ва яшнасин!

Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ — СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ватанимиз пойтахти — Москва. Н. Петров фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш юзасидан ва рус халқининг ҳамда Россия Федерациясидаги барча халқларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги буюк муваффақиятларини тақдирлаб, Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси **Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1954 йил 29 май.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

СССР халқлари ўртасида ташкил топган мустаҳкам ва бузилмас дўстлик совет жамиятимизни ҳаракатга келтириучи кучга, социалистик давлатимиз қудратининг манбаига айланди. Коммунистик партия улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, кўпмиллатли социалистик давлатимиз куч-қудратининг асоси бўлган халқлар дўстлигини мустаҳкамлаб келди ва келмоқда.

Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликнинг илмий асосларини Коммунистик партия ва Совет давлатига асос солган В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ленин ишларининг гениал давомчиси И. В. Сталин томонидан янада ривожлантирилган доно миллий сиёсат ташкил этади. Коммунистик партия мамлакатимизда социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш учун олиб бораётган курашида ленинча-сталинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириб, СССР халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик байроғини янада баланд кўтармоқда. Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги қардош украин, рус ва СССРдаги барча халқлар ўртасидаги дўстликнинг буюк куч-қудратини яна бир марта намойиш қилди.

СССР халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликни янада қудратлироқ қилучи куч — мамлакатимиз халқлари ичида энг исте'додли, ақлирасо, заковатли, чидамли халқ — улуғ рус халқидир. Улуғ рус халқи ўзининг ақли, идроки, ташкилотчилиги ва қурувчилиги блан барча халқларга юксак намуна кўрсатмоқда. СССРдаги барча халқлар улуғ рус халқидан янги ҳаёт қуришни, яшашни ўрганмоқда. Рус маданияти, фани, сан'ати ва адабиёти мамлакатимиздаги социалистик миллатларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг бақ уриб юксалишига катта та'сир кўрсатмоқда.

Улуғ оғамиз рус халқи! Сен бизга бахт ва порлоқ истиқбол бахш этдинг. Сен кат. та ва кичик халқларни иқтисодий юксалиш йўлига олиб чиқдинг. Улуғ рус халқи туфайли мамлакатимизда ҳур республикалар озод иттифоқига бирлашган халқлар саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида зўр муваффақиятларга эришмоқдалар. СССРдаги барча халқлар рус халқи блан биргаликда, унинг қардошларча ёрдами блан мамлакатимизда моддий ва маданий бойликлар мўл-қўллигини вужудга келтириш, аҳоли учун кенг исте'мол буюмлари ва озиқ-овқат мўл-қўллигини, тўхтовсиз ўсиб бораётган саноат учун хомаш'ё мўл-қуллигини вужудга келтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ рус маданиятининг намояндалари СССР халқлари маданиятининг юксалишида ҳал қилучи роль ўйнамоқда. Улуғ рус халқи етиштирган буюк идеаллар — Пушкин ва Лермонтов, Толстой ва Тургенев, Горький ва Маяковский, Белинский ва Чернишевский яратган идеаллар жаҳон маданиятида, СССР халқлари маданиятида муҳим ўрин тутади. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Чайковский ва Глинка, Мусоргский ва Даргамижский яратган музикалар ҳарбир оилада севиб эшитилади. СССР халқлари улуғ рус халқига хос бўлган улуғворлик, бошқа халқларга нисбатан саминийлик ва меҳрибонлик хусуснятларини, катта-кичик халқларга нисбатан ҳурмат каби фазилатларни рус халқидан ўрганмоқдалар.

Улуғ рус халқи ишчилар синфининг гениал йўлбошчиси, революция генийси В. И. Ленинни етиштирди. Ленин Россия халқларининг озод ва бахтиёр ҳаёт йўлини кўрсатди, инсониятнинг порлоқ истиқболи учун, коммунизм учун курашучи Коммунистик партияга асос солди, Совет давлатини барпо этди. Ленин асос солган ва мустаҳкамлаган Коммунистик партия ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлар иттифоқини уюштириб, Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини та'минлади. Бу революция ҳарқандай эксплуатацияни тугатди, миллий зулм кишиларини абадий парчалаб ташлади, миллатлар ўртасидаги низо' ва адоватларга чек қўйди, СССР халқларининг мустаҳкам дўстлигини барпо қилди. СССР халқлари ўртасидаги дўстлик шундай қудратли кучга айландики, энди унга путур етказаоладиган куч дун'ёда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу дўстлик яшар экан, бизга ҳечқандай душман — ички душман ҳам, ташқи душман ҳам хавфли эмас.

Улуғ рус халқининг Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги етакчилиги, рус халқи блан бирга бўлиш, рус халқи тили ва маданиятини ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш СССР халқлари учун катта бахтдир.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши байрами муносабати блан ўзбек халқининг улуғ рус халқига, қардош украин халқига юборган табрик хатида рус халқига бўлган садоқат ва ҳурмат ўз ифодасини топгандир.

«Совет ижтимоий ва давлат тузуми,— дейилади хатда, — Совет давлатимизнинг барча халқлари каби, ўзбек халқи учун ҳам гуркираб ўсиш ва яшашнинг чексиз имкониятларини, нурли истиқбол йўлини очиб берди, бу йўлда халқнинг битмас-туганмас кучлари ва талантлари ривожланмоқда, ўсмоқда ва бундан кейин ҳам муттасил ўсади. Халқларимиз саодат туйғуларига тўлиб-тошган бир вақтда, миннатдорчилик ва шодлик сўзлари юракларимиздан отилиб чиқаётган бир вақтда, биз шу нарсани эсда тутамизки, иродаси кучли, мард, ҳуш'ёр, зийрак, душманларга омонсиз, дўстларга меҳрабон ва сезгир рус оғамиз курашдаги бутун оғирликни ўз елкасига кўтариб келди.

Биз рус, украин халқларининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг Ўзбекистонга унинг экономикаси ва маданиятини юксалтиришда бебаҳо ёрдам берганликлари ва ёрдам бераётганликларини ҳечқачон унутмаймиз».

Шунинг учун ҳам бахтиёр ўзбек халқи СССР халқларининг буюк миллий байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги байрами кунида ўз оғасига, қадрдонига — улуғ рус халқига «Москва блан, улуғ рус халқи блан абадий биргамиз» деб мурожаат қилади.

Ўзбек халқи СССРдаги барча халқлар блан биргаликда ҳур республикалар қудратли иттифоқини мангу бирлаштирган улуғ рус халқи етакчилигида, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға бормоқда

Совет кишиларининг ҳаётини бойитган ғўзал ва шодиёна нарсаларнинг ҳаммаси учун, бизнинг кундан-кун гуллаб-яшнаётган дўст ва яноқ оиламиз учун, халқларимиз ўртасидаги буюк ва бузилмас дўстлик учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига умумхалқ номидан раҳмат!

Халқлар дўстлигининг метиндек мустаҳкам бўлишини та'минлаётган, уни кўз қорачуғидай сақлаётган шонли Коммунистик партияга шон ва шарафлар бўлсин!

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

РСФСР Олий Советининг Президиуми қарор қилади:

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Советининг бешинчи сессияси 1954 йил 31 майда Москва шаҳрида чақирилсин.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ТАРАСОВ.
РСФСР Олий Совети Президиумининг Секретари И. ЗИМИН.

Москва, 1954 йил 29 май.

Украина ССР делегацияси Москвага келди

РСФСР Олий Советининг Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган Юбилей сессиясида қатнашиш учун Украина ССР делегацияси 28 майда Москвага келди.

Москвалилар СССР, РСФСР ва Украина ССР давлат байроқлари блан безатилган Киев вокзалида қадрли меҳмонларни тантанали суратда кутиб олдилар. Атрофи рус ва украин орнаментлари блан ўраб олинган ва зар юритилиб ёзилган шонли «300» рақами ярқираб турибди. Қизил алвонга: «Қардош украин халқига шон-шарафлар бўлсин!» деб ёзилган. Ҳамма жойда гуллар. Перронда фахрий қоровул саф тортиб турибди.

Поезд перронга келиб тўхтайди. Вагондан Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. И. Кириченко, Украина ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. Т. Кальченко, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Д. С. Коротченко, делегация а'золари чиқиб келадилар. РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. М. Пузанов, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети Ижроия комитетининг а'золари, КПСС Москва область комитети ва Москва шаҳар комитети секретарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари уларни самимий кутиб оладилар. Пойтахтнинг Киев райони пионерлари меҳмонларга рангба-ранг баҳор гулларидан ясалган гулдасталар тақдим этадилар.

Краснохолм камволь комбинатининг кекса ишчиси тўқучи О. Г. Забродина русларнинг қадимги одатига мувофиқ ўртоқ Коротченкога кумуш товоқда тузнасиба тақдим этади.

Ўртоқ Коротченко самимий кутиб олганлари учун чин қалбидан ташаккур изҳор қилади ҳамда украин халқи номидан рус халқига алангали салом топширади. Унинг украин тилида: «Улуғ рус халқига шон-шарафлар бўлсин!» деган сўзларини йиғилганлар гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар.

Пойтахтнинг вокзал олдидаги майдонга йиғилган мингларча меҳнаткашлари украин халқи вакилларини самимий табрикладилар. Бу ҳаяжонли учрашув улуғ Коммунистик партия томонидан Совет Республикаларининг бузилмас Иттифоқига жипслаштирилган рус, украин халқлари ва Ватанимиздаги барча қардош халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

(ТАСС).

Яшасин дўстлик

Кремль куранти мағрур урар боғ,
Дўстликнинг қуйлари янграр жаҳонга;
Завққа-завқ қўшади сермазмун оҳанг,
Куч-қувват беради ҳар тану жонга.
Бикун Кремльда катта тантана,
Юбилей сессияси Россиямизнинг.
Дўстликнинг қуйлари жаранглар яна,
Абадий кулгандир бахтимиз бизнинг.
Рус блан украин дўстлиги абад,
Бу барча халқларнинг дўстлиги демак.
Ҳамжиҳат меҳнатдан юрт-Ватан обод,
Унинг меҳри блан жўш урар юрак.
Саҳий, заковатли рус оға яша,
Қудратинг олдида тоғлар чўкди тиз.
Ша'нингга ҳарқанча мақтов ярашар,
Сен блан зафарга, шонга тайёрмиз.
Илм ва ҳунарни сендан ўрганиб,
Фаннинг чўққисида фарзандлар етук.
Ота рус олимнинг та'лимин олиб,
Ўғил-қиз ўсмоқда, орзулар буюк.
Ленин партияси, улуғ партия
Халқлар ташаккурин айтмоқда унга.
Етакчи, йўлбошчи партиямиз-ла
Муяссар бўлолдик шу ёруғ кунга.
Партия бошлайди равшан йўлларга
Ижодкор халқимиз ҳамиша бардам.
Ленининг байроғин тутиб қўлларга
Коммунизм сари ташладик қадам.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

СССР Ҳаво флоти куни олдидан

Армия, Авиация ва Флотга ёрдам беручи Бутуниттифоқ кўнгилли жамиятининг Марказий комитети ДОСААФ ташкилотларида СССР Ҳаво флоти кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш планини тасдиқлади.

ДОСААФ бошланғич ташкилотларида — «Совет Ватани актив мудофаасини ҳартомонлама мустаҳкамлаш тўғрисида Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги», «Армия, Авиация ва Флотга ёрдам беручи Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти — меҳнаткашларнинг оммавий ватанпарварлик ташкилотидир» деган темада ва бошқа темаларда доклад ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Совет авиациясининг донгдор кишилари блан учрашувлар бўлмоқда. Ватанимиз ҳарбий-ҳаво кучларининг шонли тарихига, совет учучиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонона зафарларига бағишланган виставкалар ва фотовитриналар тайёрланмоқда.

Бўладиган байрам шарафига иттифоқчи республикаларда, ўлка ва областьларда самолёт, планер ва парашют спорти бўйича аэроклублар биринчилиги учун мусобақалар ташкил этилди.

Байрам куни маҳаллий аэродромларда досаафчиларнинг кўргазмали учишлари ташкил қилинади, парашютчилар самолётлардан оммавий сакрашларни намойиш қиладилар.

Боғларда, маданият ва истироҳат паркларида авиамодельчиларнинг мусобақалари бўлади.

(ТАСС).

АЛОҚА ХОДИМЛАРИ ССР ИТТИФОҚИ ОРДЕНЛАРИ ВА МЕДАЛЬЛАРИ БЛАН МУКОФОТЛАНДИ

СССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил 22 майдаги Фармонига мувофиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1954 йил 21 майдаги Фармони блан СССР Алоқа министрлигининг Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Қашқадар'ё, Сурхандар'ё, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд областьларида ишловчи олий, старший ва ўрта составдаги етакчи касб ходимлари кўпйиллик ва самарали ишлари учун ССР Иттифоқи орденлари ва медальлари блан мукофотландилар.

Ленин ордени блан 50 киши, «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени блан 23 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени блан 154 киши, «Шовкатли меҳнат учун» медали блан 332 киши, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали блан 378 киши мукофотланди.

(ЎзТАГ)

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1954 йил 28 май кечки мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

28 май кечқурун соат 18 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат Ж. **Хўжаев** раислик қилади.

Иккинчи мажлисда «Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **М. Исомиддиновнинг** доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Музокараларда: депутат **И. Ашуров** (Андижон область Чинобод сайлов округи), депутат **Д. Сентинёзов** (Қорақалпоғистон АССР Октябрь сайлов округи), депутат **Т. Тошмуҳаммедов** (Тошкент область Оҳангарон сайлов округи), депутат **П. В. Каймаков** (Самарқанд область Тайлан сайлов округи), депутат **В. С. Содиқова** (Тошкент область Чиноз сайлов округи), депутат **К. Ф. Михайлов** (Фарғона область Жалалир сайлов округи), Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри **М. В. Муҳаммаджонов**, депутат **Ю. Ҳошимов** (Фарғона область Ҳонобод сайлов округи), депутат **С. Зиёмов** (Фарғона область Ленин сайлов округи), депутат **С. Жумаев** (Бухоро область Янгибозор сайлов округи), Ўзбекбирлашув правленнесининг раиси **Х. Ю. Юнусов** сўзга чиқдилар.

Шу блан Ўзбекистон ССР Олий Совети бешинчи сессиясининг **иккинчи мажлиси** ёпиқ деб э'лон қилинади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1954 йил 29 май мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 май эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи, сўнгги мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Ж. Хўжаев** раислик қилади.

Учинчи мажлисда сессия кун тартибидаги иккинчи масалани — Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Музокараларда: депутат **В. Ҳайдаров** (Наманган область, Жийдакапа сайлов округи), Қашқадар'ё область ижроия комитетининг раиси **Ф. Раҳманов**, депутат **Р. Алимов** (Бухоро область, Ғиждувон шаҳар сайлов округи), Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат моллари саноати министри **А. Хўжаев**, Сурхондар'ё область ижроия комитетининг раиси **К. Ёқубжонов**, депутат **Д. Бозорова** (Андижон область, Фрунзе сайлов округи), депутат **Х. Жалилов** (Тошкент область, Паркент сайлов округи), Хоразм область ижроия комитетининг раиси **П. Ризаев**, депутат **У. Юсупов** (Тошкент шаҳри, Сельмаш сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Сессия кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан музокараларни тўхтатишга қарор қилади. Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **М. Исомиддинов** охирги сўзга чиқади.

Депутат **Ф. Хўжаевнинг** таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини бир овоздан тасдиқлайди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг қўшимча доклади тасдиқланади. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида Қонун» моддамодда, сўнгра бутунича тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети кун тартибидаги учинчи масалани — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўрабошлайди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Ж. Илҳомова** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Йўл ва транспорт хўжалиги республика министрлигини Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар иттифоқ — республика министрлигига айлантириш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат моллари саноати иттифоқ-республика министрлигини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Кенг исте'мол саноати моллари иттифоқ-республика министрлигини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Совхозлар иттифоқ-республика министрлигини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш министрлигининг ҳамда область қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш бошқармаларининг номини ўзгартириб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ҳамда область қишлоқ хўжалик бошқармаларига айлантириш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигини ҳамда область сув хўжалиги бошқармаларини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Давлат хавфсизлиги Комитетини ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги Комитетининг область бошқармаларини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати иттифоқ-республика министрлигини тузиш тўғрисида» чиқарган Фармонларини бир овоздан тасдиқлайди. Шу Фармонларнинг тасдиқланиши муносабати блан Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 48, 50, 51, 68, 90, 91, 93, 96 моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда 94 ва 97-нчи моддаларига аниқлик киргизади.

СССР Олий Совети Президиуми ўзининг «СССР гражданлари блан ажнабийлар ўртасида никоҳларни тақиқлаш тўғрисида»ги Фармонини бекор қилганлиги муносабати блан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР никоҳ, оила ва васийлик тўғрисидаги ҳамда гражданлар ҳолати актларини рўйхат қилиш тўғрисидаги Қонунлар кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1947 йил 10 апрель Фармонини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг А'зам **Хўжаевни** Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат моллари саноати министри қилиб, Фатхулла Расулович **Носировни** Ўзбекистон ССР Кенг исте'мол саноат моллари министри қилиб, Ҳалил Мад'ярович **Жалиловни** Ўзбекистон ССР Совхозлар министри қилиб, Ғани **Хўжаевни** Ўзбекистон ССР Уй-жой-граждан қурилиши министри қилиб, Раҳматулла **Алимовни** Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри қилиб, Йўлдош Бобожонович **Бобожоновни** Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри қилиб, Алексей Петрович **Бизовни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги Комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонлари бир овоздан тасдиқланади.

И. Д. Мельниковни ва **И. Е. Жуковни** Ўзбекистон ССР Олий Судининг а'золари қилиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Шу блан Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлайди.

28 майдаги мажлис

28 майдаги эрталабки мажлисда Ўртоқ Ниёзовнинг доклади юзасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси депутат Ғафур Ғулом сўзга чиқди. У бундай деди:

— Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги муносабати блан умумхалқ тантанаси Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунизмнинг тўла ғалабаси сари бораётган совет халқининг бузилмас дўстлиги ва бирлигини ифодалайди. Совет Иттифоқи халқларининг жиплашган кўпмиллатли оиласининг а'золаридан бири бўлган ўзбек халқи бу шонли кунни буюк шодлик блан нишонламоқда.

Нотиқ совет халқларининг дўстлиги Улуғ Ватан уруши йилларида мустаҳкамланганлиги ва чиниққанлиги, урушдан кейинги йилларда совет кишилари коммунизм қуришда Партия томонидан чизиб берилган программани муваффақият блан амалга ошираётган даврда бу дўстликнинг янада ривожланаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлиги ҳақида гапиради.

Депутат Ғафур Ғулом ўз нутқининг анча қисмини социалистик қардош республикалар экономикасини ва маданиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишлайди, ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг самарали натижалари тўғрисида сўзлайди.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси депутат Н. Мақсумова минбарга чиқади.

— Икки буюк қардош халқ — рус ва украин халқларининг улуғ дўстлиги — дейди ўртоқ Мақсумова, — мамлакатимиздаги барча халқлар учун илҳомбахш ёркин намунадир.

СССР халқларининг дўстлиги, уларнинг қардошлиги, ўзаро ёрдами қандай мустаҳкамланаётганлиги, уларнинг ҳамкорлиги қандай ривожланаётганлиги тўғрисидаги ажойиб мисолларни кун сайин кўриб турибмиз. Москвали ишчилар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистонга жўнаб кетмоқдалар. Ленинградли новаторлар украин ўртоқлар блан тажриба алмашмоқдалар. Бекобод металлургларга Ўрол металлургларидан пўлат эритиш сан'атини ўрганмоқдалар. Тошкент тўқимачилари Иваново тўқимачилари блан маҳкам дўстлик ўрнатиб, ишлабчиқаришдаги энг яхши ютуклари блан ўртоқлашмоқдалар. Москва ва Ленинград, Киев ва Минск, Тошкент ва Тбилиси, Рига ва Таллин ҳамда бошқа кўп илмий марказларнинг олимлари ўзларининг илмий кашфиётларини бутун мамлакат олимларининг мулки қилиб қўймоқдалар.

Биз рус халқини ўз оғамиз ва дўстимиз деб атаймиз. Рус халқи Совет Иттифоқининг барча халқларига ёрдам кўрсатгани каби ўзбек халқига ҳам янги ҳаёт қуришда, коммунизмнинг улуғвор биносини қуришда ҳамиша ва ҳартомонлама қардошларча бегараз ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Ўзбек халқи ўз Совет давлатини барпо этди, чинакам озодликка ва инсонлик бахтига эга бўлди.

Ўртоқ Мақсумова ўз нутқининг охирида Совет ҳокимияти йилларида ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти ва турмушида юз берган ажойиб ўзгаришларни алоҳида та'кидлаб ўтди. У, Совет Ўзбекистони хотин-қизларининг порлоқ ва кувнок ҳаёти учун жонажон Коммунистик партияга, улуғ рус халқига чексиз ташаккур изҳор қилди.

Музокараларда Хоразм область, Қўшкўпир районидаги Сталин номли колхознинг раиси депутат А. Қурбонов сўзга чиқиб, Совет Ўзбекистони улуғ рус халқининг, қардош украин халқининг ва СССР даги бошқа халқларнинг ёрдами блан қандай буюк муваффақиятларга эришганлигини Хоразм қишлоқ хўжалик артельлари ҳаётидан олинган ёрқин мисоллар блан аққол кўрсатиб берди.

Масалан, Сталин номли колхоз ўтган йили 660 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта ҳосили олди. Колхозда чорвачилик, сабзавотчилик ва шоликорлик ҳам тез сур'ат блан ривожланмоқда. Колхозчиларнинг фаровонлиги кун сайин ўсмоқда. Қишлоқ хўжалик артелининг даромади сўнгги бир йил ичидагина бир ярим миллион сўмдан эшёд ортди. Ҳозир колхоз қишлоғида электростанция, ҳаммом, радиоузел бор. Кўп колхозчилар ўзларига янги уй-жойлар қуриб олдилар.

Совет кишилари, — деди ўртоқ Қурбонов, — ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида фахрланиб гапирадилар. Биз кўпмиллатли Совет давлати кучининг ва қудратининг манбаи бўлган халқлар дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ж. Хўжаев улуғ рус халқига ва қардош украин халқига ўзбек халқи номидан табрик мактуби юборишни тўғрисида таклиф тушганлигини билдиради.

Табрик мактуби текстини ўқиб эшитдириш учун республика бинокорлик материаллари саноати министри Ё. С. Насриддинова сўз берилади. Мактубни ўқиш кўп марта гулдурос қарсаклар блан бўлиниб туради.

Хатдаги сўзлар қасамдек жаранглаб эшитилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари табрик мактуби текстини гулдурос қарсаклар остида бир овоздан тасдиқлайдилар. Ҳамма ўрнидан туради. Совет халқларининг бузилмас дўстлиги шарафига, Совет Иттифоқи халқларини комил ишонч блан коммунизм сари бошлаб бораётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига шодиёна овоция бирнеча минут давом этади.

«Ўзбекистон ССР нинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида» доклад учун Ўзбекистон ССР Молия министри депутат М. Исомиддиновга сўз берилади.

Докладчи мамлакатимиздаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлигини та'кидлайди. Халқ хўжалигига ва социал-маданий тадбирларга сарф қилинган маблағлар меҳнаткашлар фаровонлигининг янада юксалишини та'минлади.

Ўзбекистон ССР нинг 1954 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 3.779.272 минг сўм ва харажатлар бўйича 3.774.885 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 4.387 минг сўм ортиқ бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига ва тасдиқига тақдим этилади.

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни узлуксиз равишда кўпайтириш, товар оборотини кенгайтириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш натижасида социалистик хўжаликдан олинадиган даромадлар янада кўпайди. Давлат бюджети қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш, шунингдек халқ истe'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш соҳасида республика олдида турган катта вазифаларга жавоб беради.

Республика бюджетида 1954 йилда халқ хўжалигини пул блан та'минлаш учун қилинадиган харажатлар 36,8 процент кўпайтирилади. Социал-маданий тадбирларни пул блан та'минлаш учун ғоят кўп маблағ сарфланади, капитал қурилиш ишлари учун кўп маблағ ажратилади. Бюджетда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш кўзда тутилади.

Партия ва Ҳукуматнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги кенг исте'мол моллари ва озиқ-овқат моллари саноатини ривожлантириш учун, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва социал та'минот учун сарф қилинадиган бюджет маблағларида ёрқин ифода этилган.

Докладчи айтиб ўтдики, саноат корхоналарининг 1953 йилги молия-хўжалик фаолияти якунларини анализ қилиш хўжалик органларининг кўпгина раҳбарлари СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг қарорларидан ўзлари учун тегишли хулоса чиқармаганликларини кўрсатади. Бу раҳбарларнинг кўплари корхонанинг экономикаси масалалари блан ҳали ҳам кам шуғулланмоқдалар, планнинг бажарилишига аввалгича ўртача кўрсаткичлар бўйича баҳо бериб, хўжалик ҳисоби ва рентабельлик каби муҳим факторларга э'тибор бермайдилар, ишлабчиқариш резервларидан кам фойдаланадилар. Кўпгина корхоналар бир ме'ёрда ишламайдилар, бу эса ускуналарнинг ва ишчи кучларининг бекор туришига, брак маҳсулот чиқаришнинг кўпайишига, унумсиз харажатларга сабаб бўлади. Кенг исте'мол моллари саноати корхоналарида брак чиқимлари қариб 35 миллион сўмни ташкил этди, озиқ-овқат моллари саноати корхоналарида эса 15,5 миллион сўмни ташкил этди. Уй-жой-граждан қурилиши министрлиги хўжасизлик натижасида кўп миллионлаб сўм зарар кўрилишига йўл қўймоқда.

Докладчи ўз сўзининг охирида Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган Ўзбекистон меҳнаткашлари 1954 йилги улуғ Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш йўлидаги қурашда янги муваффақиятлар блан нишонлаш учун бутун кучларини, билимларини ва ғайратларини сарф қиладилар, деб қаттиқ ишонч билдирди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат Р. Ортиқов Бюджет комиссиясининг қўшимча докладини қилди. У, Партия ва Ҳукуматнинг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг ва СССР даги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами блан Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенцияси экономикани ва маданиятни ривожлантириш соҳасида анча катта муваффақиятларга эришганликларини та'кидлади.

Қўшимча докладчи бирқанча министрликлар ва саноат корхоналарининг раҳбарларини ўз ишларида жиддий камчиликларга йўл қўяётганликлари учун кескин танқид қилди.

* * *

28 май кечқурун соат 6 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси очилди. Кечки мажлисда «Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги доклад юзасидан музокаралар бошланди.

Депутатлар сессия муҳокамасига қўйилган бюджет проектини ма'қуллаб, республика меҳнаткашлари ватанпарварларча меҳнат қилиб, севикли Ватанимизнинг шуҳрати ва қудратини янада оширишга, халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажаришга ҳамда бу блан коммунистик жамият қуриш ишига муносиб ҳиссаларини қўшишга қат'ий қарор берганликларини айтдилар.

Шу блан бирга, музокараларда сўзга чиққан депутатлар министрликлар ва ташкилотлар, саноат корхоналари, колхоз, совхоз ва МТС ларнинг ишлардаги камчиликларни танқид қилдилар.

Музокараларда биринчи бўлиб Андижон область ижроия комитетининг раиси депутат И. Ашуров сўзга чиқди. Ўртоқ Ашуров айтадики, Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетининг сессия муҳокамасига қўйилган проекти социалистик хўжаликни янада ривожлантириш, совет халқининг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларга муносибдир.

Ўртоқ Ашуров Андижон областининг саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтади. Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг ишларини танқид қилади. Бу министрлик ўз ихтиёридаги корхоналарга суст раҳбарлик қилмоқда. Ўртоқ Ашуров Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг ва Ўзбекбирлашув правлениесининг ишларида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси депутат Д. Сентиёзова сўз берилади. Республика экономикаси ва маданиятининг тез сур'атлар блан ривожланаётганлиги, — деди у, — халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларга Давлат бюджетидан чиқарилаётган маблағларнинг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлигида ўз ифодасини топади. Қорақалпоғистон АССР бюджетида бўладиган харажатлар урушдан кейинги биринчи йилдагига нисбатан 60,8 процент кўпайди, шу жумладан маориф ишларига сарф қилинган харажатлар 70,2 процент ортди. Совет ҳокимияти барпо қилинишидан илгари аҳолиси тамомила саводсиз бўлган Қорақалпоғистонда партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли, ҳозир педагогика институти, 11 техникум, 533 мактаб ишламоқда. Революциядан илгари Қорақалпоғистонда атиги иккита врач бор эди. Ҳозирги вақтда кўпгина медицина муассасаларида 173 врач, 749 та ўрта ма'лумотли медицина ходими ишламоқда. Маданий-оқартув муассасалари кўпаймоқда, қорақалпоқ халқининг адабиёти ва сан'ати юксалмоқда.

Ўртоқ Сентиёзов ирригация-мелиорация ишларига суст раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрлигини танқид қилади, малакали кадрлар тайёрлаш учун Нукусда гидротехникум биносини қуриш масаласини кўтаради.

— Қорақалпоғистон меҳнаткашлари, — деди нотиқ сўзининг охирида, — СССР халқларининг улуғ дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайдилар, халқ хўжалигини янада ривожлантириш, Ўзбекистон ССРда пахтани тобора кўпроқ етиштириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун чораларни кўрадилар.

«Ўзбекуголь» трестининг бош инженери депутат Т. Тошмуҳамедов минбарга чиқади. Ўртоқ Тошмуҳамедов айтадики, Оҳангарон шаҳтёрлари кўмир чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Кончилар бу йил ҳам топшириқларни анча ошириб бажармоқдалар. Ўртоқ Тошмуҳамедов, Оҳангарон шаҳрини тобора обод қилиш, уй-жой қурилишини кенгайтириш, водопроводни реконструкция қилиш, шаҳар транспортининг ишларини яхшилаш блан боғлиқ бўлган бирқанча масалаларни сессия олдига қўйди.

Самарқанд область партия комитетининг секретари депутат П. В. Каймаков ўз нутқини пахтачиликни кескин суратда ривожлантириш масалаларига бағишлайди. Самарқанд областининг пахтакорлари ва механизаторлари, деди ўртоқ Каймаков, бу йил неча минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштирдилар, ўтган йилдагига нисбатан 42 минг гектар кўпроқ ерга чигит экдилар. Ҳозирги вақтда ирригация системалари қайтадан қурилмоқда. Аммо, шундай бўлса ҳам, Сув хўжалиги министрлиги бу ишларни суст олиб бормоқда, ирригация системаларининг қурилишини механизацялашга тегишлича э'тибор бермаётир. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги Самарқанд областидаги колхозларнинг эҳтиёжларини тўла э'тиборга олмаётир. Бу министрлик минерал ўғитларни тақсимлашни тўғри планлаштирмаётир.

Депутат ўртоқ Каймаков Ўзбекистон ССР нинг 1954 йилги Давлат бюджетининг сессия муҳокамасига тақдим этилган проектини тасдиқлашни таклиф қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари депутат В. С. Содиқова ўз нутқида ленинчасталинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисида сўзлайди. Умумхалқ байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги буни ёркин исбот этади. Ўртоқ Содиқова айтадики, илгариги вақтларда ҳуқуқсиз бўлган ўзбек хотин-қизлари партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли ҳозирги вақтда ижтимоий-сиёсий, давлат ва хўжалик ишларида актив қатнашмоқдалар. Давлатимиз Совет Иттифоқидаги барча хотин-қизлар каби, Ўзбекистон хотин-қизлари тўғрисида ҳам кун сайин ғамхўрлик қилмоқда. Янги бюджет проектида болалар муассасалари шохобчаларини тобора кенгайтириш, оналик ва болаликни сақлаш учун кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ўртоқ Содиқова нутқининг охирида болалар муассасалари бинолари қурилишини суст олиб бораётган бирқанча министрликларни танқид қилади.

Бувайда районидаги 2-нчи МТСнинг директори депутат К. Михайлов қуйидагиларни айтади:

— Пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши механизаторларнинг ишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. МТС хизмат кўрсатаётган колхозларнинг далаларида биринчи культивация тамомланди, талайгина майдонда ғўза ягана қилинди ва озиқлантирилди, биринчи суғоришга киришилди. Бунинг натижасида ҳамма майдонда ғўза тупларининг нормада белгиланган қалинлиги та'минланди, катта массивларда ғўза шоналайбошлади.

Ўртоқ Михайлов машина-трактор станцияларини зарур алоқа воситалари блан та'миндаш, йўл қурилишини, айниқса узоқ жойлардаги районларда йўл қурилишини кучайтириш зарурлиги тўғрисида масала кўтаради.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри М. В. Муҳаммаджонов сўзга чиқади. Ўртоқ Муҳаммаджонов пахтачиликни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдига қўйилган буюк вазифалар ҳақида, бу вазифаларнинг бажарилиши қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши резервларидан нечоғлик тўла фойдаланилишига, МТС ишларининг нечоғлик яхшиланишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги тўғрисида гапиради. Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бутун дала ишларини қисқа муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада бажариш, қолоқ колхозларни илғор колхозлар даражасига кўтариш зарур.

Ўртоқ Муҳаммаджонов республика қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш учун ҳозирги вақтда министрлик томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида гапириб, молия органлари олдига бирқанча талаблар қўяди, қишлоқ хўжалигига маблағ чиқариш масалаларига расмиятчилик-бюрократик муносабатда бўлинаётганлигига доир фактларни келтиради.

Ёзёвон район партия комитетининг секретари депутат Ю. Ҳошимов сўз олади. У ўз нутқини Марказий Фарғонадаги катта ер массивларини ўзлаштиришга бағишлайди. Депутат Ҳошимов «Ферганаводстрой» трестининг ходимларини танқид қилади. Бу трест техникасининг бутун қувватидан тўла фойдаланиш учун сабот блан қураш олиб бормаётир. Бунинг натижасида мазкур трест топшириқларни бажармай келмоқда.

Ўзбекистон ССР савдо министри депутат С. Зиёмов республикада товар оборотини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида гапириб, товар оборотининг тобора ривожлантирилиши саноат ва қишлоқ хўжалиги планларининг муваффақиятли суратда бажарилишига боғлиқ эканлигини та'кидлайди. Ўртоқ Зиёмов Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги олдига катта талаблар қўяди. Бу министрликка қарашли корхоналар шу йилнинг биринчи кварталида салкам 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бермадилар. Республикадаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечак, пойафзал, газлама ва бошқа буюмларнинг сифатини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Бухоро область ижроия комитетининг раиси депутат С. Жумаев айтадики, Бухоро областининг халқ хўжалигини ривожлантириш учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг тобора кўпайтирилаётганлиги корхоналарнинг ишларини яхшилашга, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини оширишга, маданий-оқартув муассасалари ва медицина муассасалари шохобчаларини кенгайтиришга ёрдам беради. Ўртоқ Жумаев уй-жойларни қуриш ва капитал ремонт қилиш учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратишни кўзда тутишни Олий Советдан сўрайди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси Х. Юнусов республикадаги матлубот кооперациясининг ишларини яхши йўлга қўйиш масалаларига тўхталиб ўтди. (ЎзТАГ).

Сессиянинг охирги мажлиси

29 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети бешинчи сессиясининг охирги, учинчи мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш масалалари сессия қатнашчиларининг диққат марказида турди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март пленумларининг қарорларини ҳамда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1959 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида министрликларнинг ва ідораларнинг бажараётган ишлари ҳартомонлама анализ қилинди. Сессия қатнашчилари пахта етиштиришни ҳартарафлама кўпайтириш учун кураш республика меҳнаткашларининг энг муҳим вазифаси эканлигини уқтириб, дала ишларини намунали ўтказиш, колхоз, совхоз ва машина-трактор станцияларида мавжуд бўлган жуда катта резервлардан тўла фойдаланиш ва шу асосда мўлжалланган топшириқларни сўзсиз бажариш ҳамда бу йил давлатга камида 3 миллион тонна пахта топириш зарурлиги тўғрисида гапирадилар.

Наманган область ижроия комитетининг раиси депутат В. Ҳайдаров ўз нутқини Фарғона водисида пахтачиликни янада ривожлантиришга тааллуқли бирқанча масалаларга бағишлайди. Бу йил Наманган областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари экин майдонларини кенгайтириш, янги ерларни қишлоқ хўжалигига учун ишга солиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Ирригация-мелиорация қурилиши жуда кенг миқ'ёсда амалга оширилмоқда. Аммо, бу ишда ҳали камчиликлар кўп, бу камчиликларнинг сабаби кўпроқ шундаки, Қишлоқ хўжалик ва Сув хўжалик министрликлари ҳамда республика ва областьлараро проектлаш ҳамда қурилиш ташкилотлари ўз ишларида формализм кўринишларига йўл қўймоқдалар, бошланган ишни охиригача етказиш учун ҳаракат қилмаётирлар. Сессиянинг бошқа қатнашчилари каби ўртоқ Хайдаров ҳам Марказий Фарғонада янги ерлар ўзлаштириш юзасидан мас'улиятли вазифалар юкланган «Ферганаводстрой» трестининг ишларини қат'иян яхшилаш зарурлигини кўрсатади.

Ўртоқ Ҳайдаров ўз нутқида Коммунал хўжалик ва уй-жой, граждан қурилиши министрликлари олдига жиддий талаблар қўяди, бу министрликлар Наманган шаҳрини ободонлаш ишларини секин олиб бормоқдалар.

Қашқадар'ё область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳмонов та'кидлаб ўтадики, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қилаётган доимий ғамхўрликлари туфайли Ўзбекистонининг барча областьлари блан бир қаторда Қашқадар'ё областининг колхозлари, совхозлари ва МТСлари ҳам янги техника блан узлуксиз та'минланмоқдалар. Янги техника деҳқончилик маданиятини кўтариш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу катта имкониятларни муваффақият блан рўёбга чиқармоқ учун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини малакали мутахассис кадрлар блан мустаҳкамлаш зарур. Бу соҳада ба'зи ишлар қилинди, лекин ишлабчиқаришнинг бирқанча ҳал қилучи участкаларида етарли билимга эга бўлмаган кишилар ишлаб турганлигини нормал деб ҳисоблаб бўлмайди, ҳолбуки, кўп агрономлардан, зоотехниклардан ва бошқа мутахассислардан нотўғри фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Муҳаммаджонов Қашқадар'ё областига борганида бу областьга малакали мутахассислар юборишни ва'да қилган эди. Лекин бу ва'да ва'далигича қолиб кетди.

Ўртоқ Раҳмонов сессия муҳокамсига тақдим этилган бюджет проектини ма'қуллаш блан бир қаторда Олий Советдан Қашқадар'ё областининг шаҳарларини ва район марказларини ободонлаш учун, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи ишларини янада яхшилаш учун ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни сўрайди.

Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри депутат Р. Алимов сессияда бу министрликнинг иши тўғрисида қилинган танқидни тўғри деб топади, сув хўжалиги органларининг ишидаги камчиликларни тугатиш учун қўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапиради. У депутатларни ишонтириб айтадики, Ўзбекистон ирригаторларининг кўпминг кишилик армияси республика қишлоқ хўжалигини ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни кескин суратда юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун бор кучларини сафарбар қилади.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат моллари саноати министри А. Хўжаев ўз нутқининг талай қисмини меҳнат унумини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришнинг катта программасини бажариш, ассортиментни кўпайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш масалаларига бағишлайди. Ўртоқ Хўжаев консерва заводлари зонасидаги сабзавотчилик колхозларининг эҳтиёжлари тўғрисида гапиради. Кўп машина-трактор станцияларининг бу колхозларга нуқдалик равишда э'тибор бермаётганликлари, кўпинча фақат ер ҳайдаб бериш блангина чекланаётганликлари жуда ярамас ҳолдир.

Сурхондар'ё область ижроия комитетининг раиси К. Ёқубжонов сўзлайди. У КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларидан руҳланган область меҳнаткашлари пахтадан юқори ҳосил олиш учун, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар, дейди. Бешкўтон даштини ва илгари бекор ётган ерларни ўзлаштириш ишлари авж олди.

Умуман областьда пахта майдони бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига яна 18 минг гектар ортди.

Ўртоқ Ёқубжонов область қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтади. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш планлари суст бажарилмоқда. Бу соҳадаги ишлар партия XIX с'езди ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қароридан келиб чиқадиган талабларга тўла жавоб бермаётир.

Андижон шаҳридаги 3-нчи поликлиника врачи, депутат Д. Бозорова сўз берилади. У меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш учун давлат ҳар йили жуда кўп маблағлар сарф қилаётганлиги тўғ

Социалистик мусобақа шартларининг тўла бажарилиши учун курашайлик!

★ ☆ ☆

Ғўза парвариши юксак мажбуриятга яраша уюштирилиши керак

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Чигит экишни тугаллаш, чигитни ердан текис ундириб олиш ва ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбориш тўғрисида»ги қарорида барча экин майдонларида 5 июньгача икки марта юқори сифатли парвариш ўтказиб, ғўзанинг шоналашга эришиш вазифаси қўйилган.

Биз Андижон область пахтакорларининг вакиллари Оржоникидзе, Янгийўл, Октябрь районлари колхозларида социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширишдан ўтказиб, юқоридаги тадбирлар тўла амалга оширилмаганлиги натижасида кўпчилик пахта майдонларида гектарнинг тўлиқ бўлишига муваффақ, бўлинмаганлиги, экилган чигитларни текис ундириб олинмаганлиги чигит униб чиққан ерларда ягана, культивация ва чопиқ ўтказиш кечиктириб юборилаётгани учун ёш ғўзалар ўсишдан тўхтаб қолаётганлигини аниқладик.

Оржоникидзе райони — ғўза парваришида областнинг илғор районларидан ҳисобланади. Лекин бу илғор районнинг «Ленинград», «Сталинград», ва Охунбобоев номли колхозларида шу вақтга қадар ягана тамомланмаган. Масалан, Охунбобоев номли колхозда 450 гектар ернинг ҳали 60 гектарида чигит ундириб олинмаган, чигит униб чиққан 390 гектар ердаги ғўзадан 50 проценти ягана қилинган, холос.

Биз Маннонов ва Матқобилов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган юқори ҳосилли Сталин номли ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларида 120 гектарга яқин ердаги ғўза шу кунгача ягана, чопиқ қилинмасдан ёввойи ўтлар орасида қисилиб ўсишдан тўхтаб қолганини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Бу ерда шуни айтиш керакки, район партия комитетининг секретари Тошпўлатова, район ижроия комитетининг раиси Абзалов ўртоқлар илғор колхозлардаги ютуқлар бан хотиржамланиб қолганлар ва қолоқ участкаларга раҳбарликни сусайтириб юборганлар, улар ғўза парваришида орқада қолётган колхозларга юзаки раҳбарлик қилаётирлар.

Янгийўл районининг пахтакорлари — мўл ҳосил етиштиришда республикамизда шуҳрат қозонганлар. Бу йил район пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар, иш ҳам шунга яраша бўлиши керак. Аммо, район колхозларида ғўза парваришининг уюштирилиши бу юксак мажбуриятга яраша эмас.

Аввало шуни айтиш керакки, юқори ҳосилли бу район колхозларида шу кунгача биринчи ғўза парвариши тамомланмагани устига яганалаш, чопиқ, ўғитлаш ва суғориш ҳаддан ташқари кечиктирилиб юборилмоқда. Масалан, Ворошилов номли колхоздаги аҳволни олиб кўрайлик. Колхозда 950 гектар ердаги ғўзанинг энди 85 проценти ягана қилинган, ўғитлаш ва суғориш графиги бирор кун ҳам бажарилмайди.

Колхознинг ўртоқ Турсун Турдиқулов бошлиқ бригадасида 75 гектар ердаги ғўзадан атиги 30 гектари ягана қилинган, 17 гектар ердаги ёш ғўза сувсизликдан нормал ривожланмаётир. Яганани алоҳида иш сифатида ўтказиш мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга. Буни янгийўллилар, шу жумладан Ворошилов номли колхоз раҳбарлари яхши биладилар. Лекин 12-нчи бригадада биз текшириш ўтказган куни 17 колхозчи ғўза чопиғи блан ягана аралаштириб қилаётганини кўрдик. Масалан, колхозчи Кароматхон Бўрибоева қирма чопиқ қилиш йўли блан кетмонда ягана қилган. Натижада уя оралиғи 37—45 сантиметодан қолдирилиб, нимжон, касалланган ғўзалар ўрнига соғлом ғўзалар чопиб юборилган. Ўзаро текшириш бригадасининг а'зоси, Пахтаобод районидаги Киров номли колхоз дала мудири ўртоқ Тўйчиев бу хатони аниқлади ҳамда яғна ва чопиқ қилишни шу ернинг ўзида кўрсатиб берди.

«XIX партс'езд» колхозида дала ишларига раҳбарлик қилиш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Колхоз раҳбарларининг ўтакетган мас'улиятсизликлари натижасида меҳнатни ташкил қилиш, дала ишларига контрольлик ўрнатишда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Колхозчилар ўртасида ишга кеч чиқиб, эрта қайтиш авж олган. Биз текшириш ўтказган куни колхознинг 8—9-нчи бригадаларида соат 9 гача бирор колхозчи далага чиқмади. Шуниси ачинарлики, колхоз раиси Мухторова ва агроном Назарбеков ўртоқлар шу куни соат 11 гача колхозда бўлмадилар. Улар ўз одатларича Тошкентга дам олгани кетишган экан. Ишнинг айни қизғин палласида шундай қилинаётгани учун ҳозиргача 200 гектар ердаги ғўза ягана қилинмаган, 300 гектар ердаги ғўзани ёввойи ўтлар босиб, унинг ўсишини кечиктирмоқда.

«Коммунизм» колхози бу йил 1140 гектар ерга чигит эккан. Колхоз раҳбарлари ғўза парваришида сур'атни кучайтиришга эришган бўлсалар ҳам, лекин бу колхозда агротехника қоидалари бузилмоқда. Колхознинг 2-нчи бригадасидаги 8 гектар ғўза ўғитланганда кейин 10 кун давомида суғорилмаган. Натижада ғўзанинг бир қисми қуриб қолган. Кўпчилик пахта майдонларида ғўзалар гоммоз ва илдиз чириш касаллари блан зарарланган ҳолда, колхоз агрономи Худойберганов, МТС агрономи Эрназзров ўртоқлар бу ташвишли аҳволнинг олдини олмаётирлар.

Октябрь район колхозларида социалистик мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар бор. Броқ ички резервлар дала ишларини кучайтиришга сафарбар этилмаётгани учун ғўза парваришида ташвишли ҳол юз бермоқда.

Биргина 1-нчи МТС хизмат қиладиган 6 колхозда қўзиргача фақат 50 процент майдонда 1-нчи культивация ўтказилган. МТС директори Ўртаев, бош агроном Бакулин, ва бош инженер Бекмуродов ўртоқларнинг ўтакетган фаолиятсизликларини кўрсатиб ўтиш керак. Чунки улар ҳозиргача кобинетдан туриб раҳбарлик қилиш методидан воз кечмаганлар. Шунинг учун ҳам МТС блан колхозлар ўртасида тузилган шартномя тўлиқ бажарилмаётир. Андреев номли колхоз блан тузилган шартномада 1000 гектар ердаги ғўза 20 майгача бир марта культивация қилиниши керак эди. Лекин бу иш энди 50 процент бажарилди. Шўнингдек, Энгельс номли, Сталин номли, Маленков номли камқувват колхозларда ҳам ғўзани культивация қилиш квадрат усулида ишлаш юзасидан берилган топшириқларнинг ярми ҳам бажарилмагани устига, бу колхозларда ғўзани ўғитлаш шу вақтгача бошланмаган. МТС раҳбарларининг мас'улиятсизлиги натижасида ҳозиргача 16 та чопиқ агрегати дала ишларига сафарбар этилмаган.

Агроном Саттор Қаюмов раҳбарлик қилаётган Эски Тошкент қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда 860 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Аммо, шунга муносиб иш қилинмаётганлигини та'кидлаб ўтиш зарур. Колхозда ёлгон ма'лумот бериш йўли блан кўз бўямачилик авж олган. Ўртоқ Абдуғози Бўрибеков бошлиқ 5-нчи бригадада 52 гектар ердаги ғўза тўлиқ биринчи парваришдан чиқарилганлиги ҳақида ма'лумот берилган. Биз ҳақиқий аҳволни текширганимизда фақат 35 гектар ер чопиқ қилиниб, 25 гектар ер суғорилганлиги ва ўғитланганлигини аниқладик. Турсуной Орипова бошлиқ звенода 11 гектар ердаги ғўза жуда сийрак бўлиб қолган.

Колхозда бажарилган ишнинг сони ва сифатига қараб текшириб олиш ташкил қилинмаган. Шунинг учун ҳам кўп майдонларда чопиқ юза ўтказилган, ғўзалар ёппасига, кўллатиб суғорилмоқда. 5-нчи бригадада 6,5 гектар ерда ўтказилган чопиқни биз брак қилдик. Бу колхознинг раҳбарлари ғўза парваришини кучайтиришда от-улов воситаларидан мутлақо фойдаланмаётирлар.

Район колхозларида шу кунгача ғўзанинг биринчи парвариши тамомланмаган. Бунга, колхозчиларнинг меҳнатини тўғри уюштирилмаётганлиги асосий сабаблардан бўлмоқда. 24 май куни Энгельс номли, Андреев номли ва Сталин номли колхозларда эрталаб соат 8—9 гача иш бошланмагани устига, колхозчиларнинг кўпчилиги кечки соат 6—7 лардаёқ ишдан қайтиб кетдилар. Натижада дала ишлари юзасидан берилган топшириқлар ўз вақтида бажарилмаётир.

Яна шуни айтиш керакки, Янгийўл, Октябрь район колхозларида колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий-сиёсий ишларни уюштириш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Янгийўл районидаги Фрунзе номли, Ворошилов номли, Маленков номли, «XIX партс'езд», Октябрь районидаги Сталин номли, Хрушчев номли, Андреев номли колхозларда безатилган дала шийпонларини кўрмадик, биз текшириш ўтказган колхозларнинг бирортасида ҳам газета ўқиб бераётган ёки суҳбат ўтказаётган агитаторни учратмадик.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳал қилучи даври бўлган шу кунларда ғўза парваришини қартарафлама кучайтириш — район партия, совет ташкилотлари раҳбарларидан, МТСларнинг директорлари, колхозларнинг ранслардан далачилик ишларига конкрет ва амалий раҳбарлик қилишни, барча техника воситаларини, ички имкониятларнинг сафарбар этилишини талаб қилади. Мусобақадошларимиз шундай қилганларида, ғўза тез ривожланади ва эрта ҳосилга киради. Янгийўл, Октябрь ва Оржоникидзе район пахтакорлари юқорида биз очиб ташлаган камчиликларни тез кунларда тугатиб, ғўза парваришида юз берган қолоқликнинг олдини олишлари керак ва юксак мажбуриятларга яраша ҳосил етиштириш учун дала ишларини намунали уюштиришлари лозим.

К. ҲАМРОҚУЛОВ — Пахтаобод район партия комитетининг секретари, **И. АКБАРОВ** — Андижон район партия комитетининг 1-нчи **МТС** зонаси бўйича секретари, **У. БОТИРОВ** — социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Андижон районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи-**Д. ТЎЙЧИЕВ** — Пахтаобод районидаги Киров номли колхознинг дала мудири, **М. САМИҒУЛЛИН** — Пахтаобод МТСининг бригада механиги, **Қ. МАМАТҚУЛОВА** — Пахтаобод район Маданият қишлоқ советининг раиси, **Ж. МАДУМАРОВ** — Андижон область «Коммунист» газетасининг махсус мухбири, **Ш. КУЗАНБОЕВ** — «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз а'золари ёш универсалчи ўртоқ **С. Соқибоевнинг** ишидан бе-ҳад хурсанд бўлмоқдалар. Ўртоқ Соқибоев ўртасаройли механизаторлар таклифи асосида ишлаб, ҳар куни 16—18 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилмоқда. **Суратда:** заправкачи **М. Жумабоев** (ўнгда) Соқибоевнинг универсалига ёнилғи қўймоқда.

С. Чижиков фотоси.

ЯНГИ ЕРЛАРДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ховос районидаги Сталин номли колхознинг а'золари партия ва ҳукуматимизнинг колхозчи деҳқонлар тўғрисида қиладиган ғамхўрликларидан бениҳоя руҳланиб, бу йил экин майдонларини 1240 гектарга кенгайтирдилар. Шу вақтгача фойдаланилмасдан ётган чўлдан 368 гектар янги ер ўзлаштирилди. Янги ерларда тўртта далачилик бригадаси ташкил этилди. Бригада а'золари чигит экишдан олдин муҳим агротехника тадбирларини амалга оширдилар.

Ерларга яхши ишлов берилиши чигитнинг биртекис униб чиқишини та'минлади. Янгидан ташкил қилинган бу далачилик бригадаларида ҳозир ғўза парваришини намунали олиб борилмоқда. Ўртоқ Ҳожимурод Бегматов бошчилигидаги бригада а'золари ғўза парваришида олдинда бормоқдалар. Улар ўзаро социалистик мусобақани кенгайтириб, 80 гектар ердаги ғўзани яганадан чиқариб, сифатли парвариш қилмоқдалар.

З. НОСИРОВ.

Ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатамиз

ЛУНАЧАРСКИЙ, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Оржоникидзе районига келган мусобақадош Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси район колхозларида ғўзаларни парвариш қилиш, суғориш, культивация қилиш ҳамда ўғитлаш ишларида бирқанча камчиликларни аниқлаб, юз берган хатоларни тугатиш учун дўстона маслаҳат берган эдилар.

Район пахтакорлари ва механизаторлари мусобақадошларнинг текшириш натижасини муҳокама қилдилар ва қолоқликни тугатиш тадбирларини белгиладилар. Район партия, совет ташкилоти мусобақадошлар таклифи асосида ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиб, ғўзанинг ривожланишини тезлатиш ва эрта ҳосилга киритишни та'минлаш мақсадида 25 майдан 5 июньгача ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш 10 кунлиги э'лон қилди. Асосий куч, ички ресурслар ғўза парваришини кучайтиришга сафарбар этилди.

10 кунликнинг дастлабки икки кунида колхозларда ғўза парварши сур'ати анча тезлашди. Дала ишларига қўшимча равишда 1.014 киши чиқарилди. Яганалаш тамомланди. Ғўзанинг дастлабки икки культивацияси тугалланиб, 3-нчи культивация бошланди. Механизаторлар ўртасаройлилар чақириғи асосида социалистик мусобақани кучайтиришлари туфайли меҳнат унумини оширмоқдалар. Илгари ҳаркуни 114 гектар ернинг ғўзаси культивация қилинаётган бўлса, ҳозир 10 кунликнинг дастлабки куни 381 гектар ердаги ғўза культивациядан чиқарилди. От блан культивация қилиш нормаси икки бараварга яқин ортди. Колхозларда ишни тўғри ташкил қилинганлиги натижасида чопиқ графиги ҳам ошириб бажаралаётир.

ҒЎЗАНИ ЭРТА ОЗИҚЛАНТИРИШ ЯХШИ НАТИЖА БЕРМОҚДА

Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ҳамма бригадалари ғўзанинг биринчи комплекс парваришини тамомлаб, иккинчи чопиқ ва иккинчи культивацияни бошлаб юбордилар.

Колхоз а'золари ғўзани тез ривожлантириш ва уларнинг эрта ҳосил тугишини та'минлаш учун астойдил қурашмоқдалар.

Колхознинг Шералиев ва Шукуров ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ғўзани сифатли парвариш қилишга катта э'тибор бермоқдалар. Улар биринчи чопиқ ва культивацияни намунали ўтказиб, ғўзани озиқлантиришга киришдилар. Ўғитлар ғўза қатор ораларининг ҳар иккала томонидан илдизга яқин қилиб солинмоқда.

Шунингдек Куйбишев номли колхознинг бу йил ҳар гектардан 50 центнердан ҳосил етиштириб, келгуси йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашаётган У. Толибов ва С. Исаев ўртоқлар бошчилигидаги бригадалари ҳам ғўзани эрта озиқлантиришга катта э'тибор бермоқдалар. Озиқлантириш агротехника қоидаларига қат'ий риоя қилинган ҳолда ўтказилаётир. Ғўзанинг эрта озиқлантирилиши унинг тез ривожланишини та'минламоқда.

У. МАМАСОЛИЕВ.

ҒЎЗА УЧИНЧИ МАРТА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТИР

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат — Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари бу йил ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта ҳосили етказиб бериш мажбуриятини олиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Пахтакорлар механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, бу йил 1.119 гектар ерга чигит экдилар. Колхозда 2-нчи МТСнинг коммунист Икром Иброҳимов бошлиқ трактор бригадаси хизмат қилаётир. Бригада механизаторлари МТС зонасида биринчи бўлиб иккинчи культивациясини тугаллаб, юзларча гектар ердаги ғўзага учинчи марта ишлов бердилар. Улар биринчи культивация даврида ёш ғўзаларни озиқлантириб бўлдилар.

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС механизаторларининг чақириғига қўшилган комсомол универсалчилардан Раҳмат Ниншонбоев ва Эргаш Донёровлар ҳар куни 15—16 гектардан ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар. Уларнинг ҳарбири ҳозиргача 300 гектардан ердаги ғўзани культивациядан чиқардилар. МТС ма'мурияти ва колхоз правлениеси ёш механизаторларнинг ишига юксак баҳо бермоқдалар. Уларнинг машиналарига «мусобақа а'лочилари» вимпеллари ўрнатилган.

Сталин номли колхоз а'золари ҳамма майдондаги ғўзани текис ва соғлом ўстириб, қатор ораларини чопиқ қилишни тез сур'ат блан сифатли ўтказмоқдалар.

Т. НИШОНБОЕВ.

ДАВЛАТГА ПИЛЛА ҲОСИЛИ ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

Чиноз районининг колхозлари областимизда биринчи бўлиб давлатга янги пилла ҳосилини топширабошладилар. Бу йил район колхозларида ипак қуртлари боқиш юксак агротехника қоидалари асосида жадал усул блан олиб борилди. Колхозларда қурт боқиш учун ҳамма зарур шароитлар яратилганлиги туфайли уларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмади.

Райондаги Сталин номли колхознинг (правление раиси Мун, партия ташкилотининг секретари Шарипов, колхоз агротехниги Муҳамедбоев) пиллачилари бу йил мўл пилла ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар. Улар бунга ипак қуртларини Сталин мукофоти лауреати ўртоқ Олияхон Султонованинг илғор методи асосида боқиш туфайли эришдилар.

Бу йил 5 қути қурт уруғининг ҳарбир қутисидан давлатга 100 килограммдан а'ло нав' пилла топшириш мажбуриятини олган ўртоқ Ғиёсолат Йўлчибоева бошлиқ илғор пиллачилик звеноси Олияхон Султонованинг методини қўлланиб, қуртларни қисқа муддатда пилла ўрашига эришдилар. Ўртоқ Йўлчибоева звеноси районда биринчи бўлиб давлатга 50 килограмм пилла ҳосили топширди.

Редакция почтасидан

„Бизнинг клиентимиз"

— Соня! Гуляш, оқидан ҳам бир шиша бўлсин, — деди биздан ярим соат кейин ошхонага кириб келган йигит. Орадан бир нафас ўтмасданоқ йигитнинг олдида гуляш ва истаган ичимлиги муҳайё бўлди.

— Ўртоқ Исмоилов, сизга бошқа егулик нарса керак эмасми, — Соня мулойимлик блан сўради ундан. Биз жуда таажжубда қолдик. Чунки биз, бу Исмоилов деган кишидан ярим соат илгари келиб ўтирибмиз-да. Соня ҳатто биз томонга қайрилиб ҳам қарамади. Ниҳоят уни чақириб, сўрашга мажбур бўлдик.

— Бизлар у йигитдан илгари келган эдик, ахир нега сиз...

Соня бизнинг гапимизни эшитгиси ҳам келмай гапга тушиб кетди:

— У киши бизнинг клиентимиз, ошхонага доимо келиб туради, хафа қилиш яхши эмас-да ахир, — деди. Кейин билсак, кўпроқ «пул харажат» қиладиганлар Соняларнинг «ўзаларинки», ҳақиқатни талаб қиладиган кишилар эса «бегоналар» экан.

Орадан яна ярим соат ўтгач, бизга ҳам гуляш етиб келди. Тарелка орасида бир-икки бўлак чандирдан иборат — тиш блан муштлашишга тайёр «гўшт», қайнайвериб, гуруч ғарнери аталага айланган, ҳа, айтгандай ёғсиз шўрвадан подливкаси ҳам бор. Қани энди бу овқат жониворни қўнглинг тортса-ю, есанг. Иштаҳамиз хиппа бўғилди.

— Бу гуляш эмас, бу..., — ҳамроҳимиз қаттиқ ранжиди. Биз овқатни Соняга қайтариб бераётирмиз:

— Нега гуляш сифатсиз тайёрланган, — деб сўрадик. У бўлса парвойпалак:

— Ошпазимиз отпускада, ўрнида ишлаётган аямизнинг шунчалик эплаганини айтмайсизми, — деди.

Юқоричирчиқ район матлубот союзининг ошхонасида клиентларга ана шундай муомила қилинмоқда.

Уни „Семён тоға" дейдилар

Шу ошхонанинг буфетида ишлаётган Семён тоға доим хижолатда, хавотирликда юраркан. У, арақ қуйса ҳам, пиво қуйса ҳам ҳадиксираб ҳартомонга қарайберар экан, эшикдан кириб келганларга савол назари ташлаб:

— Ҳай, Соня, у ким? Госконтрольдан эмасми, ўзимизниккиларми, ҳа, шундай дегин, ҳайрият, ҳайрият, — дер экан.

Ўша Семён тоғани ҳозирги вақтда Юқоричирчиқда билмаган, танимаган киши йўқ. Клиентлар уни «тоға-тоға» дейишиб «катта ҳурмат» қиладилар. Лекин, Семён тоғанинг фақат битта айби бор-да, бўлмаса-ку унга ким нима дерди. У ҳам бўлса пивога сув қўшиб сотади, халос. Ҳа, айтгандай у, кишиларнинг кўзини бақрайтириб туриб, ҳар кружкадан 100 граммдан иқтисод ҳам қилиб туради. Унга нафс балоси «одат» бўлиб қолган...

Гапнинг хулосасига келганда ошхонанинг сифатсиз овқат тайёрлашидан ҳам, Семён тоғанинг «одати»дан ҳам ошхона мудири ўртоқ Қодиров хабардор. Лекин у, бу камчиликлардан кўз юмиб, қулоғига пахта тиқиб юради, нега дейсизми, чунки, барибир у Семён тоғани айблаб, ишдан бўшатиб юборишнинг иложини тополмайди-да. Семён тоға район матлубот союзининг раиси ўртоқ Шоҳмуродов блан тил бириктириб қўйган. Ана шунинг учун ҳам Қодиров тоғани бугун бўшатса, артага янги буйруқ блан ишга қайтиб келаверади. Семён тоғанинг неча марта ишдан бўшатилиб, яна неча марта ўз ишига қайтиб келганини биладиган гувоҳлар районда жуда кўп топилади.

Бу нуқсонларни тезда тугатиш учун чора кўрмай келаётган матлубот союзи раҳбарларига — оғиз-қулоқ ўпишганларга биз энди нима десак экан.

Р. ИСҲОҚОВ,
У. ЖОНГИТОВ.

„Ташна" аризалар

Сиз, мабодо эрталаб ёки кечқурун Сталин районидаги 2-нчи Оқилон кўчаси дан ўтиб қолсангиз, шундай манзарага дуч келасиз: жуда кўп одамларнинг елкасида обкаш. Улар бўш пақирларини ғижирлатиб бир томонга кетаяптилар. Қарши томондан ҳам худди ана шундай обкаш кўтарган одамлар келади, лекин улар пақирдаги сувнинг бир томчисини ҳам тўкиб юбормаслик учун аста-секин қадам босадилар. Бу обкаш кўтарганларнинг кўплигидан тратуарда юришдан воз кечиб кўчанинг ўртасига тушиб оласиз. Бир чақиримча йўл босгач, шовқинсурон блан «нари тур», «бери тур» қиладётган катта тўдага рўпара келасиз. Бу ерда, водопровод колонкаси олдида, бир томонда қиз ва аёлларнинг, иккинчи томонда бола ва катта кишиларнинг турнақатор бўлиб тизилиб турганини кўрасиз. Ўртада уч-тўртта эркак навбат талашиб, жанжаллашади. Колонкадан эса, жумраги бузилган самовардек жилдираб сув оқади...

Бу воқеа кўп йиллардан буён давом этиб келади. 2-нчи Оқилондек катта маҳаллада атиги иккита водопровод колонкаси бор. Маҳалла аҳолиси фақат ана шу колонкалардан сув ичишга мажбур. Чунки ён-атрофдаги ариқларнинг сувн истe'мол учун мутлақо яроқсиздир.

Шунингдек, «Ҳурият» кўчасида ҳам сув масаласи оғир муаммога айланиб қолган. Бу ерда фақат битта водопровод колонкаси бор. Бу колонка тез-тез бузилиб туради. Ба'зи пайтларда сув бутунлай оқмай қолади. Аҳоли қўшни маҳалладан 2—3 километр масофадан сув ташишга мажбур бўлади.

Бу икки маҳалла меҳнаткашлари Тошкент шаҳар совети ва Сталин район советига, шунингдек шаҳар водоканал трестига (бошлиғи ўртоқ Ҳўжаев) маҳаллада қўшимча водопровод колонкалари қуриб бериш ҳақида бирнеча марта ариза ёзиб мурожаат қилдилар. Лекин меҳнаткашларнинг бу ҳақли аризалари юқоридаги ташкилот раҳбарларининг столларида чанг босиб, «ташна»ликдан «сув-сув» деб ётипти.

Ф. УСМОНОВА.

„Лой кўча, чанг кўча"

Ҳурматли ўқучи, сиз балки Киров районидаги Шаҳрисабз кўчасидан бирор иш блан ўтиб қолгандирсиз. Кўчада қиш кунлари тизза баравар лой бўлади. Иккита машина қарама-қарши томондан келиб қолдими, катта ташвиш деяверинг. Нега дейсизми? Кўча тор-да. Машиналар ҳам бир амаллаб ўтиб кетди дейлик. Броқ, кўчанинг икки бетини балчиқ блан, «ясатиб» кетишига нима дейсиз? Ана шунда йўловчилар та'бининг хира бўлишини кўрсангиз!

Мана, қиш ҳам тамом бўлиб, ёзга чиқиб олдик. Энди ҳалиги лойлар қуриб тупроққа айланди. Мабодо бирорта машина ўтиб қолгудай бўлса, кўча тўзон блан қопланади, йўловчиларнинг юзига, тоза кийимларига чанг қўнади, қоланверса, кўча ёқасидаги уйларга тупроқ ёғилади. Бунинг устига кўчанинг ҳар-ҳар ерида ахлат уюмларига дуч келасиз. Кўчанинг бети умри бино бўлиб сув кўрган эмас, водопроводлар етишмайди. Одамлар бу кўчани қиш бўлса — лой кўча, ёз бўлса — чанг кўча, деб атайдилар.

Киров район ижроия комитетининг раҳбарлари бу «ҳангомадан» хабардор бўлсалар ҳам, лекин улар негадир бу кўчага бир «қиё» боқиб қўйишни истамайдилар.

Б. МАМАЖОНОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Фонтан ва ҳовузларга э'тибор берилсин

Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг маданий дам олишига, шаҳар ҳамда қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлишига катта аҳамият бермоқдалар ва кўплаб маблағ ажратмоқдалар. Лекин айрим муассаса ва ташкилотлар кўплаб давлат пули сарф қилиниб бун'ёдга келтирилган қурилишларнинг узоқ вақт сақланишига аҳамият бермайдилар. Натижада бу қурилишлар бузилиб ишдан чиқади.

Масалан, Шайхантаурдаги балчиғи чиқиб ётган Лангар ҳовузи ўрнига, 100 минг сўм сарф қилиниб атрофига мармар ётқизилган цемент ҳовуз қурилган эди. Броқ икки йилдан бери сув йўлини лойқа босиб, ҳовуз сувсиз қуриб ётипти. Бу аҳвол жамоатчиликни қаттиқ ранжитмоқда. Агар бундай қаровсизлик давом этаберса, ҳовузнинг бутунлай яроқсиз бўлиб қолиши турган гап.

Ўзбекистон Давлат нашриёти ва 4-нчи босмахона ҳовлисидаги фонтан ҳам қаровсиз ётипти. Ҳовли ва фонтан атрофи антисанитария ҳолига келган. Биз меҳнаткашлар ана шундай э'тиборсизликларга хотима бериб, ҳовуз ва фонтаннинг тезда тузатилишини талаб қиламиз.

М. ИСЛОМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Қуйичирчиқдан чиққан товламачи"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 21 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида ўртоқ Босит Халиловнинг фельетони босилиб, унда Тошкент область сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи жамиятининг а'зоси Амир Чиноэбековнинг қонунга хилоф ишлари очиб ташланган эди.

Тошкент область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда область прокуратурасининг билдиришларича, текширишда фельетонда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Амир Чиноэбеков лекция ўқишдан четлаштирилиб, область сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи жамият а'золигидан чиқарилган ва унинг устидан жиноий иш қўзғатилган.

Тошкент область прокуратураси тергов вақтида фельетондаги фактларга қўшимча бошқа жиноий ишларни аниқлаган. Область прокуратураси Амир Чиноэбековнинг жиноий иши юзасидан тергови тамомлаб, унинг ишини судга оширган.

„Мақтанчоқлик"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 20 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида сўнгги почтадан материал босилиб, унда «Социалистический Бегават», «Социалистик Бекобод» газета редакциялари ҳамда босмахона бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақида иккала газета мақтанчоқлик қилган танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Бекобод шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Белоусовнинг хабар қилишича, текширишда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг танқиди тўғри топилган. Бекобод шаҳар партия комитетининг 21 апрельдаги бюро мажлисида бу масала муҳокама қилиниб, редакция ва босмахона партия ташкилотининг ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши бекор қилинган, янгидан сайлов ўтказиш топширилган. 25 апрельда редакция ва босмахона партия ташкилотининг сайлови бўлиб, бошланғич партия ташкилотига янги состав сайланган.

Сабзавот экинларини юқори сифатли парвариш қилайлик

КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг 1954 йилда сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш, аҳолини сабзавот ва картошка ҳамда чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабларини тўла қондириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан Калинин район колхозчилари, МТС ишчилари блан Оржоникидзе район колхозлари ва МТС ишчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа шартномаси тузилган эди.

Шу кунларда Калинин районининг ўзаро текшириш бригадаси Оржоникидзе район колхозларида бўлиб олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширди.

Ўзаро текшириш бригадаси Оржоникидзе район Дўрмон қишлоқ советидаги Каганович номли сабзавотчилик колхозида ҳам бўлди. Текшириш давомида Каганович номли колхознинг дала ишларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар очиб ташланди, шу блан бирга бу камчиликларни тузатиш йўллари кўрсатилиб, тегишли маслаҳатлар берилди.

Каганович номли колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Эрматов) давлат томонидан берилган пландаги экинларни ўз муддатида ва илғор агротехника асосида экиб олмаган. Масалан, пландаги 95 гектар ўрнига 32 гектар помидор, 10 гектар ўрнига 6,5 гектар карам, 26 гектар ўрнига 3 гектар полиз экинлари эккан. Бошқа экинлар экиш плани ҳам ҳалигача тўла бажарилмаган.

35 гектар ерга пиёз уруғи қўлда сепилган. Гарчи, пиёзнинг чиқиши ёмон бўлмаса ҳам, лекин уни ўт босиб кетган: ўтоқ, қатор оралари культивация қилинмаган, суғорилмаган.

Помидор экишнинг барча агротехника муддатлари ўтиб бормоқда. Аммо колхозда кўчатлар тайёрланмагани учун экин плани тўла бажарилмаган. Экилган помидор кўчатлари яхши парвариш қилинмаётир. Ҳар гектарда қанча ўсимлик борлиги ма'лум эмас. Далага ўтқазилиб, тутмай қолган кўчатлар аниқланмагани учун хато кўкарган жойларга кўчат ўтқазиш ишлари ҳам олиб борилмаган.

Колхозда меҳнат тўғри ташкил қилинмаган. Колхозчиларнинг қилган меҳнатлари тўғри ҳисобга олинмаётир. Меҳнат интизоми бўш. Колхоз правление а'золари, бригада бошлиқларининг оила а'золаридан биронта киши бу йил бир кун ҳам ишга чиқмаган.

Колхозда оммавий-сиёсий ишларнинг олиб борилиши мутлақо қониқарсиз. Ҳозирги кунларда колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар дала шийпонларига кўчирилиши лозим. Лекин колхознинг 10 та бригадасида ҳам колхозчиларнинг маданий дам олишлари бевосита далага кўчирилмаган. Мавжуд дала шийпонлари жиҳозланмаган, плакат, шиорлар блан безатилмаган, ҳурмат тахтаси йўқ, деворий газета, «Жанговар варақа»лар ўз вақтида чиқариб турилмайди.

Колхозчилар ўртасида сиёсий агитация ишлари олиб борилмаётир. Бригадаларга доимий агитаторлар бириктирилмаган Колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Галимова) бундай аҳволни билса ҳам уни тугатиш чорасини кўрмаётир.

Каганович номли колхоз район марказига яқин. Аммо район партия комитети секретари К. Тошпўлатова, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Саидбурхонова ўртоқлар колхозда оммавий-сиёсий ишларнинг қониқарсиз бораётганини билатуриб, уни яхшилаш чорасини кўрмаётир. Райкомнинг шу зона бўйича инструктори ўртоқ Аҳмедов ҳам бу тўғрида ҳеч қандай иш олиб бормаётир.

Калинин районидан келган ўзаро текшириш бригадасининг а'золари Каганович номли колхозда содир бўлаётган барча камчиликларни очиб ташлаб, бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини батафсил кўрсатиб бердилар.

Колхоз правлениеси ўзининг иш услубини тубдан ўзгартириши, ишни аниқ план асосида олиб бориш йўли блан далачилик ишларига раҳбарликни кучайтириши керак.

Оржоникидзе район партия комитети, район ижроия комитети Каганович номли колхозга амалий ёрдам бериб, картошка ва сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтиришга эришмоқлари лозим.

Л. ДАВРОНОВ,
З. АҲМЕДОВ,
Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари.

СССРНИНГ АНГЛИЯДАГИ ЭЛЧИСИ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 28 май. (ТАСС). Бугун СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. Малик Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ давлат министри Селвин Ллойдга баёнот берди. Баёнотда бундай дейилади:

24 апрельда «Дейли мейл» ва 25 апрельда «Санди таймс» номли инглиз газеталарида Англия территориясида ўзини «Рус фикрдошлари миллий союзи» деб атаган ҳамда Совет Иттифоқига қарши қаратилган диверсиячилик-қўпоручилик ва душманлик-иғвогарлик ишларини олиб бориши ўз олдига мақсад қилиб қўйган қандайдир бир группа ташкил этилганлигини ва иш кўраётганлигини кўрсатадиган хабарлар босилиб чиқди. Мазкур газеталарда хабар берилишича, бу группа, жумладан, ватан хоинлари ва ҳарбий жиноятчилар орасидан кишилар тўплаш блан шуғулланмоқда. Бу кишилар ўргатилиб, жосуслик-диверсиячилик ва террорчилик иши олиб бориш учун СССРга юборилмоқда. Мазкур хабарлардан шу нарса ҳам очиқ-равшан кўриниб турипти, жиноятчи унсурлардан иборат бу группа Англияда очиқдан-очиқ, демак инглиз ма'мурларининг ҳомийлигидан фойдаланиб ҳаракат қилмоқда ва унга ўзининг жинояткорона фаолияти блан шуғулланиш учун тўла имконият берилган.

Совет Иттифоқига душман бўлган, диверсиячилик қўпоручилик ташкилотидан иборат бўлган бу группанинг Англия ҳукуматининг розилиги блан Англия территориясида яшаши ва иш олиб боришини мамлакатлар ўртасидаги нормал муносабатларга мос келади деб айтиб бўлмайди, шу муносабат блан инглиз ма'мурларининг ҳаракатлари эса бошқа мамлакатнинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмасдир. Мен юқорида баён этилган фактларга Буюк Британия ҳукуматининг э'тиборини қаратиш блан бирга, Буюк Британия ҳукумати Совет Иттифоқига душман бўлган ва мамлакатларимиз ўртасидаги нормал муносабатларнинг ривожланишига халақит берадиган мазкур диверсиячилик-қўпоручилик ташкилотининг фаолиятига хотима бериш учун дарҳол зарур чораларни кўради, деб ишонч билдираман.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 28 май. (**ТАСС махсус мухбири**). Корея масаласини муҳокама қилишда қатнашучи делегациялар беш кунлик танаффусдан кейин бугун ўзларининг навбатдаги ялпи мажлисига тўпландилар. А. Иден раислик қилди.

Ма'лумки, бундан илгариги мажлисда лисинманчи ташқи ишлар министри Бьон Ион Тэ Жанубий Корея делегациясининг АҚШ нинг буйруғи блан ғузилган ва лисинманчилар режими ниқоби остида АҚШ ҳукмронлигини бутун Кореяга ёйишга қаратилган таклифларини баён этиб берган эди. Четэл матбуотида бу таклифларга берилган шарҳларда Жанубий Корея делегациясининг таклифлари Жанва кенгашида Корея масаласининг самарали муҳокама қилинишига халақит бериш мақсадида киритилганлиги э'тироф этилди. Рейтер агентлигининг обзорчиси шу таклифларга тўхталиб, Жанвадан «АҚШнинг ма'лум истаги, я'ни Корея масаласини муҳокама қилишни тўхтатиб қўйишни истаганлиги ҳақида» ёзди. Жанва кенгашида Бьон Ион Тэ сўзга чиққан бир вақтда Ли Син Маннинг Сеулда нутқ сўзлагани тасодифий бир ҳол эмас. Ли Син Ман ўзининг бу нутқида Корея масаласи юзасидан Жанвадаги музокараларни дарҳол тўхтатишга ҳамда Жанубий Корея таклифларини, тўғрисини айтганда Америка таклифларини қабул этдиришга мажбур қилиш мақсадида ҚХДР ва ХХР га «ультиматум» қўйишга да'ват этди.

АҚШ вакили Беделл Смитнинг бугунги мажлисдаги нутқи АҚШ делегациясининг Корея халқи миллий ҳуқуқларини э'тироф этиш асосида Корея масаласини ҳал этишга ёрдам кўрсатишни истамаганлигини ҳамда унинг АҚШнинг корейс халқига қарши қуролли агрессия йўли блан эришаолмаган ниятларига Жанва кенгашида эришишга интилганлигини кўрсатадиган янги далил бўлди.

Смитнинг бутун нутқи жонга теккан сохта далилларни такрорлашдан иборат бўлдики АҚШ ва АҚШ йўлидан борувчи делегациялар ана шу сохта далиллар ёрдами блан корейс халқини БМТ Бош Ассамблеясининг Корея масаласи юзасидан чиқарган қонунга хилоф қарорларини мажбуран қабул этдиришга уринмоқдалар. Смит ўз нутқида Кореядаги воқеаларнинг ривожланишини шундай сохталаштириб ёритдики, ундан илгари ҳам ба'зи мамлакатларнинг, я'ни Америка зўровонлигига итоат қилучи мамлакатларнинг вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Кореяда урушучи томон ҳолига тушиб қолганлиги фактини ҳамда БМТ байроғидан Американинг Кореяга нисбатан бошлаган агрессиясини ниқоблаш учунгина фойдаланилганлиги фактини қандай қилиб бўлса ҳам яшириш учун Кореядаги воқеаларнинг ривожланишини худди шундай сохталаштириб ёритган эдилар.

Смит БМТнинг Кореяга нисбатан ҳаракатларини ҳарқандай йўллар блан ҳимоя қилишга уриниб, кенгашда муҳокама қилинаётган масаланинг — Кореяни демократик асосда бирлаштириш тўғрисидаги масаланинг моҳияти юзасидан бир оғиз ҳам гапирмади. У Корея Халқ-Демократик Республикаси Корея миллий бирлигини тиклашнинг ва умумкорея эркин сайлови ўтказишнинг конкрет программасидан иборат бўлган таклифлари ҳақида, шунингдек келишишни енгиллаштириш мақсадида киритилган таклиф, я'ни умумкорея сайловининг ўтказилишини кузатиб бориш юзасидан бетараф давлатлар комиссиясини тузиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси делегацияси томонидан киритилган қўшимча таклиф ҳақида лом-мим демади. Смит Жанубий Корея вакилининг 22 майда киритган таклифини қўллаб-қувватлаганлигини айтиш блан чекланди. Шу блан АҚШ делегацияси Корея проблемасини ҳал этиш йўлларини қидиришни истамаётганлигини кўрсатди.

Шундан кейин Колумбия вакили Урутиа сўз олиб, бир томондан ҚХДР делегациясининг, иккинчи томондан Жанубий Корея делегациясининг таклифида ўз ифодасини топган икки позицияни келиштириш йўлларини топишни ўзига мақсад қилиб қўйганлигини айтди. Броқ бу баёнот қуруқ дабдабали гап бўлиб чиқди, холос. Чунки Колумбия вакили АҚШнинг ва лисинманчилар ҳукуматининг позициясини тўла равишда қўллаб-қувватлади, унинг айтишича, Корея масаласини гўё фақатгина «Бирлашган Миллатлар ҳимояси остида» ҳал этиш мумкин эмиш.

Бугунги мажлисда Туркия, Таиланд ва Греция вакиллари ҳам Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этишни ҳамда бирлашган, мустақил ва демократик Корея давлатини барпо этишни истамаётган америка дипломатияси позициясида туриб сўзладилар. Уларнинг нутқлари АҚШ вакили томонидан айтилган гапларни кўр-кўрона равишда такрорлашдан иборат бўлди. Шундай бўлишини кутиш керак эди ҳам.

Австралия вакили ҳам Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этишга қаршилик кўрсатувчиларнинг хорига қўшилди. Унинг да'во қилишича, гўё Жанубий Корея делегациясининг сўнгги таклифларида қандайдир ён берилган, эмиш. Ҳолбуки ҳақиқатда бу таклифлар АҚШ делегацияси ва лисинманчилар Жанва кенгаши энди бошлангандаёқ тутган позицияни салгина ниқоблаб такрорлашдан иборат эди.

Шу блан мажлис ёпилди. Раислик қилучи Иден навбатдаги мажлиснинг қачон бўлиши делегатларга одатдаги тартибда хабар қилинажагини айтди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессияси

28 майдаги эрталабки мажлис

БЕРЛИН, 28 май. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун эрталабки мажлисда кун тартибидаги иккинчи модда юзасидан музокаралар давом этди. Рут Фирст хоним (Жанубий Африка) Африкадаги агрессив кучларнинг кирдикорлари ҳақида сўзлаб берди. Африкада америка ва инглиз ҳарбий базаларининг қурилиши, табиий бойликларнинг ва даставвал уран рудаси каби стратегик хомаш'ёнинг монополиялар томонидан босиб олиниши, деди Рут Фирст, Африка халқларининг ҳавфсизлиги учун таҳдид туғдиради.

Камерун касаба союз бирлашмасининг бош секретари Жак Н'гом айтдики, қора танлилар Африкасидаги халқлар учун ҳавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги масала озодлик ва миллий мустақиллик учун кураш блан чамбарчас боғланган-дир.

Абдилқодир Саленнинг (Иордания) нутқидан кейин Али Буменжельга (Жазойир) сўз берилди. У мустамлакачи давлатларнинг Шимолий Африкадаги агрессив ниятларини кўрсатадиган жуда кўп фактларни келтирди.

Муҳаммад Комил Албендарий (Миср) ўқтириб ўтдики, тинчлик ва ҳавфсизлик та'минланган шароитдагина Африкадаги ва бошқа мустамлака ҳамда қарам мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар мустамлакачилик зулми натижасида юз берган қашшоқлик ва нодонлик балосидан қутилишлари мумкин. Комил Албендарий АҚШнинг Миср агрессив блокка жалб қилиш йўлидаги уринишлари ҳақида, АҚШ араб халқларидан ўзининг қора ниятлари йўлида фойдаланиш мақсадида араб халқларини агрессив блокка жалб қилшга уринаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Броқ Миср, деди Комил Албендарий, бу хил «мудофаа» планларини рад этди, бу планларнинг мақсади тўп емига эга бўлишдан иборат, чунки, америка матбуотининг сурбетларча да'во қилишича, бундай тўп еми Шарқда бошқа ҳарқандайси ердагига қараганда ҳам арзон туради. У айтдики, Туркия ва Покистон иштироки блан ҳарбий коалиция тузилиши ва унга Ироқнинг жалб қилиниши Шарқдаги бошқа мамлакатлар учун хавфлидир.

Сўнгра, сўзга чиққан музика коллежи директори, Бутунҳиндистон тинчлик кенгаши раисининг ўринбосари Пандит Онкар Натх Тхакур халқлар ўртасидаги дўстликни ва ўзаро ихтиромни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш зарурлиги тўғрисида гапирди. У, ўз нутқини охирида ўз она тилида тинчлик ҳақидаги ҳинд ашуласини айтиб берди.

Япония парламентининг а'зоси Макуото Кори айтдики, 18 — 20 апрельда Токиода тинчликни ҳимоя қилиш миллий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва Осиёда тинчликни ҳамда хавфсизликни та'минлаш тўғрисида бирқанча резолюциялар қабул қилди. Макуото Кори Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш тўғрисидаги ва Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш ҳақидаги талабни қўллаб-қувватлади ҳамда Вьетнам демократик республикаси блан Франция ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш-лишига ёрдам беришни таклиф қилди. У, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорларида четэл оккупациясини тўхтатиш ва Осиё мамлакатлари территориясида ҳарбий базалар қуришни тўхтатиш ҳақидаги, Хитой Халқ Республикасига БМТ да ўрин бериш тўғрисидаги талабни акс этдиришни таклиф қилди.

Биз ишонамизки, деди Макуото Кори, Осиёда ҳамма Осиё мамлакатларини ўз ичига олган коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш мумкин бўлади. Биз Осиёдаги халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида Осиё халқлари вакилларининг конференциясини чақиришни таклиф этамиз. Биз тенглик ва ҳар иккала томон учун фойдали бўлиш асосида Шарқ блан Ғарб ўртасида иқтисодий алоқаларни ва савдо-сотиқни кенгайтиришни таклиф этамиз.

Яқобинчилар клубининг раиси Шарль Эрню (Франция) айтдики, ҳозирги вақтда Францияннинг бутун сиёсий ва иқтисодий ҳаётини белгилайдиган асосий масала «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги масаладир. Эрню Францияда «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги шартноманинг ратификация қилинишига қарши халқ ҳаракати кенг кучайиб кетганлиги ҳақида сўзлаб, тинчлик тарафдорлари ҳуш'ёр бўлишлари керак, чунки тинчлик душманлари бу ҳарбий блокни тузиш учун ҳамма кучларини сарф қилаётирлар, деб уқтириб ўтди. У, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун Жанва кенгаши бераётган имкониятларнинг қўлдан бой берилмаслиги учун бутун кучни сарфлашга чақирди.

Эрталабки мажлис охирида Фамагуста шаҳрининг (Кипр оролида) бошлиғи Андреас Пувурос сўзлади. Бизнинг олдимизда, деди у, олийжаноб вазифа турипти, у ҳам бўлса — ўз ҳукуматларимизни коллектив ҳавфсизликни та'минлаш учун бошланган ҳаракатга қўшилишга мажбур этишдир. Андреас Пувурос Кипр оролида Қўшма Штатлар ва Англия томонидан зўр бериб ҳарбий қурилиш ишлари олиб борилаётганлигини кўрсатди ва оролнинг агрессия учун базага айлантирилишига қарши Кипр аҳолиси олиб бораётган кураш тўғрисида сўзлаб берди.

Шу блан эрталабки мажлис тамом бўлди.

☆ ☆ ☆

БЕРЛИН, 28 май. (ТАСС). Немис Фандар академияси президенти профессор Вальтер Фридрих раислигида ўтган кечки мажлисда «Миллатларнинг ҳавфсизлиги» тўғрисидаги масала юзасидан музокаралар тамом бўлди. Мажлисда: Австрия социалистик ишчи партиясининг раиси Эрвин Шарф, доктор Рао Дата (Ҳиндистон), Исроил давлати парламентининг а'зоси Тевфик Туби, пацифистик ҳаракат арбоби Рене Бовар (Швейцария), Эдгар Буксбаум (Бразилия), Айвор Монтегю (Англия), Абдулла Адра (Ливан), Альфредо дэ Амести (Чили), Мао Дунь (Хитой), Орлов (СССР), Иозеф Вирт (Германиянинг собиқ рейхканцлери) сўзга чиқдилар.

Сўнгра профессор Генри Пратт-Ферчайлд (АҚШ) Поль Робсондан сессия қатнашчилари номига олинган мактубни ўқиб эшитдирди.

Сессия Атом қуроли тўғрисида резолюция, Миллатларнинг ҳавфсизлиги тўғрисидаги масала юзасидан резолюция ҳамда маданият комиссиясига тавсия нома қабул қилди.

Жан Лаффитнинг таклифига мувофиқ, Жаҳон Тинчлик Кенгаши составига 23 та янги а'зо сайланди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюросига янги а'зо қилиб — В. Эльфес (Германия), Жеймс Эндикотт (Канада) ва Нозим Ҳикмат (Туркия) сайландилар.

Риккардо Ломбарди (Италия) ва Данкен Жонс (Англия), айни бир вақтда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бюросига ҳам, секретариатига ҳам а'зо қилиб сайландилар.

Шу блан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессияси ўз ишини тамомлади.

Берлинда совет балет артистларининг концерти

БЕРЛИН, 28 май. (ТАСС). Кеча Берлинда «Фридрихштадт — паласт» театрида Германия Демократик Республикаси Маданият министрлигининг таклифи блан Берлинга келган совет балет артистларининг биринчи концерти бўлиб ўтди.

Концертда Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик, ГДР ҳукуматининг а'золари ҳамда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Берлинда бўлаётган фавқулодда сессияси делегатлари ва меҳмонлари, шунингдек дипломатик корпус а'золари, немис жамоатчилигининг вакиллари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Совет артистларининг концерти бошланиши олдидан Катта Берлин обербургомистри Фридрих Эберт меҳмонларга қарата табрик нутқи сўзлади.

Концертда СССР Давлат академик Большой театрининг ҳамда Киров номидаги Ленинград опера ва балет театрининг балет солистлари Галина Уланова, Наталья Дудинская, Алла Шелест, Ю. Кондратов, К. Сергеев, Г. Фарманянц, А. Радунский ва бошқалар қатнашдилар. Концертнинг биринчи бўлимида Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» балетидан учинчи пардаси кўрсатилди. Бунда Галина Уланова, Юрий Жданов; Александр Радунский иштирок этдилар.

Иккинчи бўлимда Глинканинг «Иван Сусанин» операсидан краковяк рақси (Яков Сангович), Люллининг «Гавот»и (Н. Петрова), Минкуснинг «Дон Кихот» балетидан па де де (Н. Дудинская ва К. Сергеев), Рахманиновнинг музикасига «Баҳор» балети (Алла Шелест ва Борис Бреговадзе), Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балети иккинчи пардасидан адажио (О. Моисеева ва А. Макаров), «Мирандолина» балетидан испанча рақс, С. Василенко музикаси (С. Звякина), вальс, Мошковский музикаси (Раиса Стручкова ва Александр Лапаури) ижро этилди.

«Тарас Бульба» балетидан, Соловьёв-Седой музикаси гопак рақсини ижро этган Георгий Фаранянцнинг тамошалари зўр муваффақият блан ўтди.

Иккинчи бўлимда К. Сергеев ва Н. Дудинская Штраус вальсини ижро этдилар. Шунингдек Галина Уланова ва Юрий Кондратов ҳам иккинчи марта сахнага чиқиб, Шопен вальсини зўр муваффақият блан ижро этдилар.

Тамошабинлар совет балет артистларининг тамошаларини самимий кутиб олдилар.

Артистларга катта гулдасталар тақдим этилди.

Тошкентда



25 майдан бошлаб Ўзбекистонда китоб савдоси ойлиги бошланди.

Республиканинг область ва район марказларида китоб бозорлари очилди. Ойлик кунларида маданият уйлари, колхоз клублари, дала шийпонлари, МТС ва муассасаларда «китобнинг халқ маданиятини оширишдаги роли» ҳақида суҳбат ва лекциялар ўтказилади.

«Ўзбеккнижторг» китоб ойлиги кунларида сотиш учун 5 миллион нусхадан кўпроқ китоб ажратди.

Суратда: Тошкентдаги китоб бозорларидан бирида.

В. Лейн фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

КИТОБ БОЗОРИ

Тошкентнинг Карл Маркс ва Ленин кўчалари бурчагидаги скверда, Октябрь районидаги Эски Жўва скверида, шунингдек областимизнинг барча район марказларида китоб бозорлари очилди.

Совет кишиларининг моддий ва маданий даражасининг тинмай ўсиб боришн натижасида уларнинг китобга бўлган талаблари ҳам ошмоқда. Китоб бозори очилган куни барча китоб бозорларига жуда кўп одам йиғилди. Китобхонларга яхши хизмат кўрсатиш мақсадида «Облкнижторг» конторасн китоб бозорларини безатишга ва турли соҳаларга онд китобларнинг айрим бўлимларда сотилишига катта э'тибор берди.

Тошкентдаги Карл Маркс ва Ленин кўчалари бурчагидаги скверда очилган китоб бозорида 8 та бўлим бор. Сиёсий ва оммавий китоблар бўлимида 25 майнинг ўзида 100 та «Философия лугати» ва 100 та «Диалектик материализм» номли китоблар сотилди.

Китобхонлар рус ва украин совет ёзувчиларининг асарларини айниқса кўп сотиб олмоқдалар. Бадиий китоблар бўлимида Я. Галаннинг «Шарқдан нур» номли асари, «Украин повестьлари ва ҳикоялари», П. Казленюкнинг «Танланган асарлари» ўзбек совет ёзувчиларининг «Абадий биргамиз» тўплами кўп миқдорда сотилди. Болалар адабиётига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Ранг-баранг расмлар блан безатилган китобларни дастадаста қилиб хурсандлик блан ўз болалари учун олиб кетаётган ота-оналарни бу ерда жуда кўп учратиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги адабиёти бўлимида агротехника курслари учун чиқарилган «Пахтачилик», «Чорвачилик асослари», «Йилқичилик», «Қўйчилик», «Сабзавотчилик» номли дарсликлардан ташқари Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси томонидан нашр этилган қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига онд брошюралар ҳам сотилмоқда.

«Академкнига» бўлимида мақолалар тўпламидан иборат бўлган «Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши» номли китоб жуда кўп нусҳада сотилди. «Ўзбеккнижторг» бу ерда обуна бўлими ҳам ташкил этган. Обуна бўлимида Гончаров, Вишневский асарларига ва 3 томли совет энциклопедия лугатига обуна қилинмоқда. Меҳнаткашлар бу бўлимдан Ленин ва Сталин асарларини, Гоголь, Горький асарларининг айрим томларини ҳам сотиб олишлари мумкин.

Китоб бозори 25 июньгача давом этади.

Савдо жиҳозлари сотучи магазин

Ленин районида СССР Савдо министирлигининг савдо-технологик жиҳозлар ва инвентарьлар, ошхона асбоблари, савдо корхоналарини, колхоз бозорларини, болалар боқчаси ва дам олиш уйларини жиҳозлаш учун зарур бўлган металл, чинни ва махсус идишлар блан савдо қилучи янги «Инвентарторг» магазини очилди.

Магазинлар, дўконлар, ошхоналар, ресторанлар, закускахоналар, колхоз бозорлари, болалар боқчалари ва яслилари, касалхона ва санаториялар, сельполар бу ердан кўп миқдорда пишчеблоклар учун мясорубкалар, мармит аравачалар, термислар, ошхона кастрюльлари, тарози ва қадоқ тошлар, қозонлар ва бошқа асбобларни сотиб олдилар.

Магазин шу ойнинг ўтган даврида 200 минг сўм савдо қилди.

Комбинат ишчилари маданий дам олмоқдалар

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг касаба союз комитети ишчиларнинг соғлом бўлишлари ва маданий дам олишларига катта аҳамият бераётир. Шу йилнинг 4 ойи мобайнида комбинатнинг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 100 га яқин киши марказий ва маҳаллий санатория ҳамда дам олиш уйларида бўлдилар.

Шу кунларда инженер-техник ходимлардан 24 киши Қора денгиз сохилида, Сочи ва Ялтада яхши дам олмоқдалар. Булар орасида тўқучи Е. Шубко, ёрдамчи мастерлардан А. Зойиров, К. Бозорбоев, Т. Костурова ва бошқа ўртоқлар бор. 1954 йилда комбинат коллективидан 1000 га яқин киши маҳаллий дам олиш уйларида, ҳордиқ чиқарадилар.

Касаба союз активларининг ўқуви

Касаба союз республика ва фабрика завод комитетларининг меҳнат мудофаси ва техника ҳавфсизлиги жамоат инспекторлари ҳамда комиссия раислари учун Узсовпрофда ўтказилган тўрт кунлик семинари ўз ишини тамомлади.

Семинар қатнашчилари машғулотлар давомида «СССР да меҳнат мудофаси ва касаба союзларининг вазифалари», «СССР да меҳнат қонунчилиги масалалари», «Саноат корхоналарида техника ҳавфсизлигининг асослари», «Саноат корхоналарини санитария жиҳатдан озода тутиш қоидалари», «Ишчиларга меҳнат ҳавфсизлиги методини ўргатиш» каби темаларда лекциялар тингладилар.

Улар семинар охирида ўзаро тажриба олмошдилар, «Ташсельмаш» заводига экскурсияга бордилар.

Бугун Тошкент спорт базаларида

Тошкентнинг «Динамо» стадионида, «Буревестник» сув станциясида олий ўқув юртлари физкультура коллективларининг биринчилиги учун спартакиада программасида мусобақалар ўтказилади.

«Спартак», «Медик» стадионларида физкультура коллективларининг СССР биринчилиги ҳисобига ўтадиган мусобақалари бўлади.

«Буревестник» сув станциясида, Темирйўлчилар паркида, Горький номли паркда фабрика-завод физкультура коллективларининг спартакиадаси давом этади.

«Спартак», «Пишчевик» стадионларида республика биринчилиги учун футбол мусобақалари бўлади.

Бектемир қишлоғида «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш Ленинчи» газеталарининг мукофоти учун традицион мотокросс бўлади. Старт соат 11 да берилади.

СУД ЗАЛИДАН

Қотил отишга ҳукм қилинди

Юрий Раҳимов биринчи Май куни кечаси ўртоқлари блан Шота Руставели кўчасидаги «Самарқанд» ресторанига кирганда қандайдир нотаниш одам «Менга ҳам 100 грамм арақ олиб бер» деб талаб қилди. Раҳимов кулумсираган ҳолда нотанишнинг илтимосини қабул қилди. У сурбетлик қилиб, яна сўради. Бу гал Раҳимов рад қилди.

2 майга ўтар кечаси, соат бирлар чамаси Григорий Кривсун «ТТ» пистолети блан ресторан эшиги олдида Раҳимовнинг чиқишини кутиб турди. Икки марта усти-устига пистолетдан ўқ узиб Раҳимовни ўлдирди. У яширишга уринди, лекин имкон берилмай, қўлга туширилди.

Кеча бўлиб ўтган Тошкент область судининг мажлисида Кривсуннинг илгари қилган жиноятлари учун ҳам қамалиб чиққани аниқланди. Қотил Кривсун ўзининг жиноятларига иқрор бўлди.

Тошкент область суди СССР Олий Совети Президиумининг «Қастдан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги санкциясига мувофиқ, қотил Кривсунни энг олий жазо — отишга ва мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилди.

Суд ҳукмини меҳнаткашлар қарсаклар блан қарши олдилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 30/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 31/V да **Катта концерт**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 30/V да Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Тамарахоним концерти**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — **Севги достони**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кечқурун **Махфий миссия**.

НАВОИЙ номли — кеч соат 8 ва 10 да **Кемалар қал'аларни штурм қилмоқда**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Поезд Шарққа йўл олди**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Севги достони**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Сталинград жанги** (2-нчи серия).

«ИСКРА» — **Менинг кичик дўстим**.

ПУШКИН номли — **Кречинскийнинг тўйи** (1-нчи ва 2-нчи серия).

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — 1) **Домбай водисида**, 2) **Фин ёшлари СССРда** ва бошқалар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
30 майда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Ойбек романи бўйича
Т. Ҳўжаев инсценировкаси
ҚУТЛУҒ ҚОН
4 пардали драма.
Режиссёр — **Тўла Ҳўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми — **Ҳамидулла Икромов**.
Коллектив заявкалар июнь ойидаги спектакльларга қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ
Тўқучилар маданият саройи ва Тўқимачилик комбинати блан биргаликда
1 июньда
«Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни»га бағишланган
Сайил ўтказади
Программада: **катта концерт**, оммавий ўйин ва танцалар, «Ҳайвонлар дун'ёси» ҳақида экскурсоводларнинг суҳбатлари бўлади.
Болалар пони отларида тамоша қилдирилади. Буфет очилган.
Сайил кундуз соат 3 дан бошланади. Ҳайвонот боғи эрталаб соат 8 дан очилади.
Адрес: Ҳамид Олимжон кўчаси, 23-нчи уй.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА"
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
1954 йилнинг иккинчи ярми учун
обуна қабул қилинади
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА: муассаса ва ташкилотлардагга обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать»нинг шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида кабул қилинади.
Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллара томонидан қабул қилинади.
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриёти.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БАРАНОВ НОМЛИ АРТЕЛЬ
ташкилотларга ва гражданларга ҳарҳил
СОПОЛ БУЮМЛАР СОТАДИ
Буюмларнинг ҳақи перечисление йўли блан ва нақд тўланади. Адрес: Тошкент шаҳар, Вилоят кўчаси 200-нчи уй (8-нчи трамвайнинг «Каттаҳовуз» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 оркали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, а'лонлар бўлими — 36142

Р. 01747. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1343.